O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 4 апрел • № 14 (3697)


## ТАРИХИМИЗ ДАРСХОНАСИ

Тарих ҳақида гап кетганда, одатда кўпчилик уни улуғ мураббий деб таърифлайди. Ростдан ҳам, бу фикр замирида катта маъно-мазмун мужассам. Чунки тарих узоқ вақт синовлардан ўтган ўтмиш ҳақиқатларидан сўйлайди. Асл тарих ўзгармас ва яхлит воқеликдир. Бироқ ҳаётда унга нисбатан бўлган муносабат ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Бунга собиқ шўролар даврини мисол сифатида келтириш мумкин. Зеро, мустабид тузум ўзбек халқининг тарихини бузиб кўрсатди. Унга турли хил сунъий ёрлиқлар ёпиштирди.





Мустақиллик туфайли халқимиз ўзининг асл тарихига эга бўлди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан тарихий хотирасиз келажак йўқ, деган ғоя илгари сурилди. Бу эса тарихимизга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Натижада мамлакатимизда бу борада кенг қамровли islоҳотлар амалга оширилди. Ана шундай ишларнинг натижаси ўлароқ яқинда Ўзбекистон тарихи давлат музейи янги экспонатлар билан бойитилди. Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмаси билан юзага келган бу улкан тадбир музейга янгича қиёфа бағишлади. Эндиликда у том маънода қадимий ва шонли тарихимизнинг дарсхонасига айланди. Миллий маданиятимиз ва давлатчилигимизнинг тадрижий ривожини кўрсатувчи умуминсоний аҳамиятга эга бўлган тарихий экспонатлар юртимиз ўтмишининг нақадар бойлигини бутун дунёга кўз-кўз қилиши тайин. Зотан, ушбу тарихий ёдгорликлар юртимиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини исботлайди. Бу эса халқимизнинг буюк келажаги, мустаҳкам пойдевори демакдир.



**Суратларда:** ***Ўзбекистон тарихи давлат музейининг умумий кўриниши; музей залларида.***
**А. ТЎРАЕВ олган суратлар (ЎзА).**

## ТОШКЕНТ АНЖУМАНГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз пойтахти катта халқаро анжуманга ҳозирлик кўрмоқда. Шу йилнинг 4-5 май кунлари Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) бошқарувчилари Кенгашининг навбатдаги йиллик йиғилиши бўлиб ўтади. 60 дан ортиқ хорижий мамлакатдан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар келиши кутилмоқда.

Аввало, банк ҳақида қисқача маълумот. ЕТТБ Франциянинг собиқ президенти Ф.Миттеран ташаббуси билан таъсис этилган. Бу ҳақдаги битим 1990 йил 29 майда имзоланган ва 1991 йил 28 мартдан бошлаб кучга кирган. Расман банк ўзининг пул муомалаларини 1991 йил 15 апрелдан бошлаган. Банкнинг бош қароргоҳи Лондонда жойлашган. Ҳозирги пайтда банк Президенти — Жан Лемьер. Банкнинг асосий мақсади Марказий ва Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларининг режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишига кўмаклашиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги интилишларида ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувида мададкор бўлиш. Банк ўз фаолиятининг 12 йили мобайнида бу мақсадларга оғишмай амал қилди ва катта халқаро обрў-эътибор қозонди.

Ҳозирги пайтда банкнинг жами сармояси 20 миллиард еврога яқин бўлиб, 60 мамлакат, Европа инвестиция банки ва Европа Иттифоқи унинг ҳиссадорларидир. Ўзбекистон 1992 йилда ЕТТБнинг жами 42 миллион ЭКЮга тенг 4200 акциясини харид қилиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган эди. 1993 йилдан бошлаб банк мамлакатимиздаги лойиҳаларни сармоялашга киришди. Эндиликда Тошкентда ЕТТБнинг ваколатхонаси ишлаб турибди.

Бугунги кунда ЕТТБ Ўзбекистон иқтисодиётининг энг йирик хорижий инвесторларидан биридир. Унинг иштирокида мамлакатимизда жами 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида 20 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунда ЕТТБ ҳиссаси 723,8 миллион долларни ташкил этади. Яна 320 миллион долларлик 8 та лойиҳа кўриб чиқилмоқда. Улар пахта ва нефтни қайта ишлаш, қурилиш, тўқимачилик, тоғ-кон саноати корхоналарини барпо этиш, темир йўл тизимини такомиллаштириш, банк ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш каби йўналишларга тааллуқлидир.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ЕТТБ Ўзбекистон Миллий банки, "Асакабанк", Саноат-қурилиш банки ва "Пахтабанк" билан ҳамкорликда жами 180 миллион АҚШ доллари миқдорида 2 та кредит тармоғини очди. Натижада тўқимачилик ва енгил саноат, мармар ва харсангтошга ишлов бериш, озиқ-овқат саноат ва шарбатлар ишлаб чиқариш соҳаларида 70 га яқин корхона ишга туширилди ва қайта тикланди. Энг муҳими, маҳаллий кадрлар учун кўплаб янги иш жойлари очилди. Ҳозирги пайтда ЕТТБ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган учинчи кредит тармоғини очишни режалаштирмоқда.

ЕТТБ билан ҳамкорлик самараларини иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида кўришимиз мумкин. Масалан, "Зарафшон-ньюмонт" қўшма корхонаси учун 1993 йилда берилган 105 миллион АҚШ доллари, 1995 ва 2000 йилларда берилган 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар ишлаб чиқариш суръатларини анчагина ошириш имконини берди. Эндиликда у паст сифатли рудалардан олтин ажратиб оладиган жаҳондаги йирик корхоналардан бирига айланди. Андижон шаҳри иситиш тармоқларини қайта қуриш, Тошкент шаҳрида қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш, Тошкент аэропортини таъмирлаш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси учун ажратилган кредитлар мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу кунларда газеталарда ЕТТБ билан маҳаллий банклар ҳамкорлигида ажратилган кредитлар ҳақидаги эълонлар босилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес мансублари 5 йил муддатга 50 мингдан 1 миллион АҚШ долларигача миқдорда, хусусий тадбиркорлар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар 10 миллион сўмгача қисқа муддатли кредитлар олишлари мумкин. Табиийки, бундай кредитлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иш ўринларини кўпайтириш имконини беради.

ЕТТБ бошқарувчилар Кенгаши томонидан тасдиқланган 2003-2005 йилларга мўлжалланган фаолият дастурида Ўзбекистондаги хусусий инвестициялар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, банк-молия секторини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, инфраструктурани ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаш каби йўналишлар белгиланган.

Кейинги 10 йил давомида ЕТТБ Ўзбекистоннинг ишончли хорижий ҳамкорларидан бирига айланди. Айни пайтда, Ўзбекистон ҳам ўз мажбуриятларига содиқлиги, моддий имкониятлари билан банк эътиборини қозонди. ЕТТБ анжуманининг Тошкентда ўтказилиши ана шу ўзаро ишонч белгисидир.

**Н.МУҲАММАДИЕВ**

### ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

XVI аср иккинчи ярми — XVII аср биринчи ярмида яшаб, ижод этган замонасининг беназир фарзанди — самарқандлик шоир ва адабиётшунос Мутрибийнинг форс тилида битилган "Тазкират уш-шуаро" ва "Нусхайи зебоий Жаҳонгир" номли тазкиралари тўғрисида дунё олимлари кўплаб фикрлар билдирганлар. Бу нодир асарлар чоп ҳам этилган. Бироқ шунга қарамай мазкур манбалар ҳалигача махсус тадқиқ қилинмаган. Жумладан, муаллиф таржимаи ҳоли ҳам мавжуд маълумотлар асосида етарлича ўрганилган эмас. Кейинги изланишлар шуни кўрсатдики, Мутрибийнинг зиёли аждоди темурий ҳукмдорлар хизматида турли маърифий-маданий юмушларни бажарганлар ва шоирнинг ўзи ҳам худди шу соҳаларда ҳукмдорларнинг айрим давлат вазифаларини адо этган; унинг Ҳиндистонга саёҳати эса Имомқулихоннинг махсус топшириғи билан амалга ошган. Аниқлашимизча, Мутрибийнинг тазкира асарлари ёзилиши ва бу адабий манбаларнинг бизгача етиб келган қўлёзма нусхалари ҳам ўзининг қизиқ тарихига эга экан.

**Исмоил БЕКЖОН**

## ҲИНД САФАРИ

### УЛУҒБЕК МИРЗОГА СИРДОШ АЖДОД

Мутрибийнинг маълумот беришича, унинг қадимий туркий қавмлардан арғун уруғига мансуб катта аждоди турли соҳаларда билимли кишилар бўлгани туфайли темурийлар хизматида ҳар хил вазифаларни бажариб, Самарқанд шаҳрида турғун яшаганлар. Шоирнинг мавлоно Хўжа Авлиёий номи билан танилган бобокалони Улуғбек Мирзонинг саройидаги хос ибодатхонаси мутасаддийси бўлган ва Улуғбек уни гоҳида ўз сирларидан воқиф ҳам этиб турган экан: "Раҳматли отам мазкур бобоси тилидан ушбу воқеани ҳикоя қилиб берган эдилар: у киши шаҳид Султон Улуғбек Кўрагон саройи мулозаматини адо этарканлар. Султоннинг хос ибодатхонаси муҳофазати, таҳорат суви ҳозирлаш ва жойнамоз (солиш) билан боғлиқ масъулиятли юмушлар мазкур бобокалоним зиммасида экан... Бир куни Мирзо Улуғбек у кишига, ҳар жумъа оқшоми ҳузурига ҳазрат Хўжаи Хизир алайҳиссалом келиб, мамлакат равнақига оид зарур ишлар ва уларнинг чора-тадбирлари юзасидан маслаҳатлар беришини айтганлар ҳамда бу сирни ҳеч бир кимсага ошкор этмасликни уқтирганлар".

Мутрибийнинг яна хабар беришича, унинг юз ёшга яқин умр кўрган бобоси Малик Арғун ва отаси, катта амакиси ҳам зиёли кишилар бўлиб, ўз даврининг пиру авлиё, шоиру олимлари билан борди-келди қилганлар, катта давралардаги мушоаралар, баҳс-мунозараларда қатнашганлар. Шоирнинг она томонидан бобоси туғма бутов кўр киши бўлишига қарамай Басрий тахаллуси билан гўзал, мазмундор ғазаллар битган. Мутрибийнинг онаси ҳам фозила аёл бўлиб, отаси Басрий айтган назм дурларини қоғозга тушириб боракан. Мутрибий ана шундай зиёли аждод давомчиси ўлароқ 1556 йилнинг 9 декабрида Самарқанд шаҳрида дунёга келади.

3

### ФИЛМГА УЧ МУКОФОТ

Санкт-Петербург яқинидаги Гадчино шаҳрида адабий асарлар асосида суратга олинган филмлар фестивали бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуманда "Ўзбекфилм" киностудиясида режиссёр Юсуф Розиқов яратган "Ўртоқ Бойкенжаев" филми (бош ролни таниқли актёр Фарҳод Абдуллаев ижро этган) бир йўла уч мукофотга сазовор бўлди. Россия кино танқидчилар гилдияси, "Культура" газетаси ва фестивал дирекцияси мукофотларининг ўзбек филмига берилиши республикамиз кино санъатининг чет элларда эътироф этилаётганидан далолатдир.

Кўп сонли мухлислар ва газетамиз муштарийлари номидан филм ижодкорларини қутлаб, уларга ижодий омадлар тилаймиз.

## МУҲОКАМАДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Киночилар уйида "Ўзбеккино" компанияси студияларида 2001-2002 йилларда яратилган бадиий, ҳужжатли ва мултипликацион филмларнинг муҳокамаси бўлди.

Муҳокамани бошлаб берган "Ўзбеккино" компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўст кино яратишнинг бугунги аҳволи ҳақида мухтасар фикр юритди. "Ўртоқ Бойкенжаев", "Осмондаги болалар", "Танка" каби яхши филмлар яратилди, — деди у. — Масалан, "Осмондаги болалар" беш ойдан буён экрандан тушмай келяпти. "Ўртоқ Бойкенжаев" ҳам ўзига хос филм. Ҳозирча, бир йилда 4-5 филм яратиш имконимиз бор экан, бундан унумли фойдаланишимиз керак. "Зумраша" ва "Наштар"га келганда шуни айтиш зарурки, менга қолса, одамларни зўрлаб кулдириш учун ўйлаб топилган воқеаларни намойиш этувчи бу киножурналлардан воз кечиш керак. Уларга сарфланаётган пулдан бирор тузук филмни суратга олишда фойдаланиш мумкин".

М.Муҳаммад Дўст хусусий киностудиялар ишига ҳам тўхталди. Ҳозир бундай студиялар анча кўпайиб қолди. Бу яхши, албатта. Чунки замоннинг, бугунги иқтисодий ислоҳотларнинг талаби шу. Лекин шу ўринда қизиқ бир ҳолат кўзга ташланяпти. Хусусий студиялар сони кўпайгани билан, улар тақдим этган филмларнинг бирортасидан кўнглимиз тўлгани йўқ, деди нотиқ. Уларда халқ орасида сал тилга тушиб қолган, концертларда қатнашадиган хонанда ва ижодкорларни суратга олишга интилиш кучайиб боряпти. Бунинг энг классик намунаси "Бумбастик" филми.

Қизиқчи Валижон Шамсиевда ҳаракат бор, лекин, очиғи, ҳозирча бу филмлар танқиддан ҳам тубан туради. Улар ўзбек халқига, ўзбек тилига ҳурмат билан қарашни ўрганишлари керак. Томошабин кўрар экан, деб филмни турли бачкана эпизодлар, куракда турмайдиган жумлалар, диалоглар билан тўлдириб ташлаш санъат эмас. Ўзбек киночилари ўзлари яратаётган филмлар билан томошабин дидини яна ҳам пасайтиришга эмас, аксинча, юксалтиришга хизмат қилишлари лозим. Воқеаларга томошабин ишонсин, хатти-ҳаракатлар, сўзлашувлар ўзбекча бўлсин. "Агар ёрдамимиз зарур бўлса, марҳамат, сценарийни олиб келишсин. Имкон борича, ёрдам берамиз, бунинг учун ҳеч қандай моддий манфаатдорлик ҳам таъма қилмаймиз. Фақат филмларнинг савияси юқори бўлсин".

Компания раиси, шунингдек, филмлар прокати масаласида ҳам аҳвол яхши эмаслигини таъкидлади.

Шундан сўнг санъатшунос олимлар Х.Абдулқосимова, Б.Ҳасанов ва М.Мирзамуҳамедова кўрилган бадиий, ҳужжатли ҳамда мултипликацион филмлар хусусида маъруза қилдилар.

Маърузаларни тинглар эканман, хаёлимдан шундай фикр кечди: эҳтимол, бу тадбир ўзаро мулоқот-мунозара тарзида ўтказилса, кўпроқ фойдали бўлармиди. Чунки биз истаймизми-истамаймизми, асосий ҳакам — томошабин. Санъатимизнинг бошқа соҳалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, оддий томошабинлар фикри кино ижодкорлари учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман. Ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, таклиф қилинган кўпгина одамлар келишмаган. Ўйлаб қоласан киши: ахир, чекка-чеккада "Миллий филмлар борми?", "Ўзбек киносининг савияси паст" қабилидаги гапларни гапириб юргандан кўра, мана шундай анжуманларда бақамти ўтириб, фикр-мулоҳазаларимизни очиқ айтиб, тушунмаганларимизни тушуниб ёки талабларимизни ижодкорларга тушунтириб кўришга ҳаракат қилсак бўлмайдими! Ўзбек киноси бизга бегона эмаски, уни четдан кузатиб, томоша қилиб ўтирсак. Киномизнинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам ҳаммамизники. Шунинг учун баравар жон куйдиришимиз керак.

**Г.УМАРОВА**

## ҚАЛБ ҚЎРИ, КЎЗ НУРИ...









Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий қадриятларнинг тикланишига мувофиқ равишда халқ ҳунармандчилиги ҳам жадал равнақ топаётир. Аждодларимизнинг кўп минг йиллик анъаналарини эъзозлаб келаётган уста ҳунармандлар санъатига эътибор ошди. Шу боис эндиликда амалий санъатимизнинг барча соҳалари гуллаб-яшнамоқда. Бу жараённи ўтган ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти совринлари учун анъанавий "Ташаббус — 2003" кўрик-танлови натижалари ҳам рўй-рост кўрсатади.

Ушбу маҳорат ва тадбиркорлик синовида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида фаолият олиб бораётган моҳир амалий санъат усталари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Кўрик-танловда, айниқса, тошкентлик уста кандакорлар, шаҳрисабзлик моҳир каштачилар, сирдарёлик зардўзлар ва сурхондарёлик дўппидўз чеварларнинг қалб қўри, кўз нурига йўғрилган санъатлари юксак баҳоланди.

**Суратларда:** ***моҳир ҳунармандларимизнинг "Ташаббус — 2003" кўрик-танловида намойиш этилган амалий санъатга доир ишларидан намуналар.***
**А.ЖУМА олган суратлар.**

### МУНОСАБАТ

Ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан бери дунё оммавий ахбор воситалари, деярли барча нашрларнинг диққат эътибори Ироққа қаратилди. Ҳар хил хабарлар оқимида бу уруш турлича талқин этилаяпти. Айниқса, бўлажак журналистлар, биз ёшлар мазкур воқеага нисбатан фикр билдиришимиз учун масаланинг моҳиятини теран англашимиз керак. Бунинг учун Саддам Ҳусайн ким ўзи, унинг шу пайтгача қилган фаолиятини биламизми? Ироқда қандай тузум ҳукмрон эди? Мамлакатни бошқариш жараёнида Саддам қайси йўлдан кетди? У давлат тепасига келгандан бери қандай ишларни амалга оширди? Нима сабабдан Ироқ бир пайтлар Эрон ва Қувайт давлатларига қарши уруш оловини ёқди? Ироқни дипломатик йўллар билан қуролсизлантиришнинг нечун иложи бўлмади? — деган саволларга жавоб топсак, масаланинг асл моҳиятини англаб оламиз.

## МОҲИЯТИНИ АНГЛАЙЛИК

Ироқ халқининг эртанги куни, тинчлиги йўлида Ироқни қуролсизлантириш учун олиб борилаётган ҳарбий-ҳаракатлар Саддамнинг зуғум ва зўравонлик, мустабид тузумга асосланган режимига қарши қаратилгандир. Оммавий қирғин-қуроллари билан Ироқ раҳбари шу пайтгача дунёга хавф солиб турганди. Масала яхшилик йўли билан ҳал этилмади. Мамлакатни ўз яқинлари, оғайни-уруғлари билан тўлиқ ўзиники қилиб олган Саддам ўртага ташланган тинчликпарвар ғояларга менсимай қаради.

Бугун дунё матбуотида урушнинг бориши, айниқса, айнан Саддамнинг мамлакат халқини шунчалар тобе аҳволга солиб қўйганлиги борасидаги хабарлар билан танишар эканмиз, Ироқ Ер юзининг оловли нуқтасига айланиб бўлганини ҳис қиламиз.

Ана шундай дўқ-пўписа билан дунёнинг манаман, деган давлатларига мушт ўқталиш сиёсатини олиб борган Саддам Ҳусайн раҳбарлигидаги Ироқ БМТ қарорларини ҳам тан олмаганлиги ачинарли ҳол. Шундай бўлгач, муштумзўр Саддамнинг кимёвий қуролларни ишлатмаслигига ким кафолат берарди?

Мен матбуотда Ироқда туғилган, ҳозирда Лондонда нашр этиладиган «Аз-Замон» газетасининг махсус мухбири Аҳмад ал-Зубайдийнинг «Ироқ халқи порлоқ келажакка ишонади» сарлавҳали мақоласини ўқиб чиқдим. Унда Ироқ ҳақидаги тасаввурларим яна бир бор кенгайди, Саддамнинг кимлигини янада аниқроқ англаб олдим.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Халқаро "Олтин мерос", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" хайрия жамғармалари ҳамда Республика Оқсоқоллар Кенгаши Наманган вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда шу йил 15 — 17 апрел кунлари Наманган шаҳрида**

**Ўзбекистон халқ артисти**
**Ҳабиба ОХУНОВА хотирасига бағишлаб**

**"АЛЛА" ИЖРОЧИЛАРИНИНГ VI АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ**

Танловдан мақсад, алла айтиш санъатини янада ривожлантириш, ота-боболаримизнинг бетакрор қадриятларига меҳр-муҳаббатни ошириш, алла айтиш санъати ва анъаналарини кенг тарғиб қилишдан иборат.

**Кўрик-танлов тартиби ва шартлари:**

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ғолиб деб топилган жамоалар танловда қуйидаги йўналишда қатнашадилар:

*— "Алла" қўшиқлари ҳудудларга хос бўлган урф-одатлар, удумлар, анъаналар ва қадриятларини ўзида акс эттирган саҳнавий лавҳалар асосида ижро этилади;*

*— Ижрочилар Ҳабиба Охунова ижро этган ҳамда бастакорлар томонидан шоирларнинг замонавий шеърларига басталанган "Алла" қўшиқларини ҳам тақдим этишлари мумкин.*

Тақдим этилаётган дастурлар матни ҳакамлар ҳайъатига беш нусхада ҳавола этилади. Ижрочилар ўз дастурларини фонограммасиз, миллий халқ чолғу ансамбллари жўрлигида ижро этишлари шарт. Яккахон ижрочилар учун 5 дақиқа, жамоа бўлиб ижро этиладиган театрлаштирилган томоша дастурлари учун 20 дақиқа, вилоятлар бадиий жамоаси учун умумий ижро вақти 30 дақиқадан ортиб кетмаслиги лозим. Қатнашчилар сони 20 нафардан ошмаслиги шарт.

Қатнашчиларнинг чиқишларини ҳакамлар ҳайъати 10 балли усулда баҳолаб боради. Ижрочиларнинг саҳнада чиқиш навбати "қуръа" ташлаш орқали аниқланади.

Танлов ғолиблари дипломлар, фахрий ёрлиқлар, совринлар ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Ғолибларнинг якунловчи концерти 17 апрел куни соат $17^{00}$ да бошланади.

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

# ҲИНД САФАРИ

## ЁХУД ИМОМҚУЛИХОННИНГ МАХФИЙ ТОПШИРИҒИ

*Шоир ва адабиётшунос Мутрибийнинг икки тазкираси хусусида*

*Боши биринчи бетда*

Яна Мутрибий маълумотларига қараганда, унинг Муҳаммад Али ва Шоҳ Али исмли ўғиллари бўлиб, улар ҳам ажойиб ғазаллар ёзганлар. 1624 йили Балх, Бадахшонга саёҳатида отасига ҳамроҳлик қилганлар. Катта ўғли Муҳаммад Али отаси билан Ҳиндистонга ҳам бориб қайтади. Шоҳ Али отасининг мадрасадош дўсти, ўша даврнинг довруғли шоири Ашкий Самарқандийнинг куёви экан. "Нусхайи зебоий Жаҳонгир"да қайд этилишича, Мутрибий 1628 йилнинг августида Самарқандда яшаб турган. Мутрибийнинг асл исми ва қачон вафот этгани борасида ҳозирча қўлимизда аниқ маълумотлар йўқ.

### ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ЧОРРАҲАСИДА

Мутрибий даставвал мактабда савод чиқаргани, 12-13 ёшидан эса ўрта ва олий билим берувчи мадрасаларда қунт билан таҳсил олгани ҳақида гапиради. Бу пайтда Самарқандда Мадрасаи олияий Сароймулкхоним, Султон Улуғбек, Амир Шоҳмалик, Хўжа Аҳрор, Шайбонийхон, Абу Саидхон, Амирхон, Қози Абдулғафур шаҳид, Муҳаммад Али Дарвеш Тархон, Соқий Зоминий, Мадрасайи Хўржин ва яна бошқа мадрасалар фаолият кўрсатган. Адиб уларда ўлканинг ўта билимдон, малакали устоз олимлари, Туркия, Эрон, Озарбойжон, Афғонистондан келган алломалар аниқ, табиий, диний ва гуманитар фанлардан давомли дарслар берганини ёзади. Самарқанддаги Улуғбек масжиди ва бошқа шу каби масжидларда ҳам Қуръон қироати, Ҳадис бўйича махсус билимлар берилган. Мутрибий устози Назрий Бадахшонийга бағишланган маълумотда қизиқ бир воқеани келтиради. Илмга чанқоқ талабалар мазкур охунддан қўшимча дарслар олиш учун эртаю-кеч унинг ҳужрасидан кетмас, охунд эса улардан қутулиб, ўзи ҳам озгина бўлса-да, китоб мутолаасига берилиш учун бир шогирдига буюриб, қулфни эшикнинг ташқарисидан остириб қўяркан. *Улуғбек мадрасаси деворида эса ўз ўқи атрофида "худди осмонга отилиб, яна ерга қайтиб тушаётган коптокдек айланувчи ер курраси" ва ундаги жуғрофий кенгликлар, шаҳару ўлкалар номи ёзилган харита чизиб қўйилган экан.* Мутрибий ёзишича, у аллома Тафтазонийнинг "Мутаввал" китоби асосида илми маоний, илми баён, илми бадеъ соҳаларини бир неча йил давомида ўша даврнинг забардаст олими Исматулло Охунддан ўзлаштиради. Ҳақиқия ва илоҳияни Самарқанддаги Абу Саидхон мадрасасида Назрий Бадахшонийдан, адабиётга оид билимни Амир Шоҳмалик мадрасасида мавлоно Қосим Румийдан, Қуръонга доир баъзи илмларни Ҳофиз Муҳаммад Аминдан, илми сиёқ (ҳисоб-китоб) соҳасини асли ҳиротлик, лекин Самарқандда турғун бўлиб қолган Ғарибий Ҳеравийдан ўрганади. Ёшлигида эса Бухорода Эрондан келган ва "Муллои нав" лақаби билан танилган файласуф олим Мирзожон Шерозийнинг оммавий дарс ва баҳс-мунозараларида қатнашган.

Мутрибий санъатларнинг бир неча соҳаларида ҳам ўз истеъдодини таниқли устозлар ҳузурида мукаммаллик даражасига етказади. Мусиқада туғма истеъдод эгаси бўлган Мутрибий 1580-йиллари Бухорога қатнаб, Али Дўст Ноийдан бир неча йил давомида най чалиш сирларини ўрганади. Камолиддин Ҳофиздан қонун, сетор, доира ва найда чалинадиган ҳамда Юмлий Миёнколий, Зириҳий Туркистонийдан "Шашмақом"нинг яна бир неча катта куйларини ўзлаштиради.

Мутрибийнинг ҳуснихат ва китобат санъатига доир тазҳиб соҳасига ҳам зўр қизиқиши бўлиб, Рустам Наққошдан қўлёзма китобларга олтин суви югуртириш ва замонасининг моҳир хаттотларидан ҳуснихат турларини ўзлаштириб, бу соҳаларда ҳам ажойиб намуналар яратади.

Мутрибийнинг хабар беришича, у 17-18 яшарлигидаёқ шеър соҳасида ўз истеъдодини намоён эта бошлайди ва ўз шеърларини Абу Муҳаммад Даҳбедий (Аминий) бин Махдуми Аъзам каби олимлар имтиҳонидан ўтказади, 1573 йили Балхда машҳур шоир Жоний Кобулийга ўз шеърларини ўқиб беради. Мутрибий Бухорога устози Али Дўст Ноий ҳузурига қатнаб юрган пайтлари тасодифан машҳур шоир ва тарихнавис Ҳофиз Муқимий Бўстонхоний Самарқандий билан Бухоро йўлида яқиндан танишиб қолади ва унинг маслаҳатига кўра аруздан махсус таълим олиш учун шу Бухорога боришида тўғри Ҳасанхожа Нисорий ҳузурига йўл олади.

Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси яқинида жойлашган Нисорий уйи ўзига хос илм даргоҳига айланган бўлиб, бу ерда бир вақтнинг ўзида турли ўлкалардан келган ёшлар аруз сирларидан воқиф бўлар, катта-кичик шоирлар мушоара, адабиёт масалалари бўйича мунозаралар ўтказар эдилар. Нисорийга Ҳиндистон, Қашқар, Хуросон, Хоразм ва Туркия шоиру фозилларидан, подшоҳ ва хону султонлардан мактублар, улар ёзган шеърлардан намуналар келиб турарди. Мутрибий ўз тазкираларида Нисорий ҳузурида 1588 — 1592 йиллар мобайнида кечган онларини мамнуният билан эслаб, шеъриятда нимага эришган бўлса, уни Нисорийга шогирдлиги шарофатидан деб билади. Кейинчалик ўзи ҳам шеър, мусиқа, ҳуснихат соҳаларида ўнлаб шогирдлар етиштиради ва улардан айримлари номини фахр билан тилга олади.

### ЖАҲОНГИР ПОДШОҲ БИЛАН ЎТТИЗ УЧРАШУВ

Мутрибий шайбонийлар ва аштархонийлар даврида давлат ишларига жалб этилиб, бироз вақт Самарқанд ҳокими Ҳожи Оталиқ Дўрмон (1573 — 1598) хизматида айрим идоравий ишларни бажаради. Хожа Зайниддин Муҳаммад бин Саййид Ҳодихўжа Нақшбандий исмли амалдор Бухоро, Самарқандда садр пайти (1598 — 1618) Самарқанддаги баъзи мазоротлар мутавваллийси бўлади ва шу орада Самарқанднинг навбатдаги ҳокими Низомиддин Ҳожибей Оталиқ Қушчи хизматида ҳам туради, сўнгра Имомқулихон давлатининг таниқли арбоби Ёдгор Қўрчи ёнида Бухоро, Балхда илм-фан, маданият соҳасидаги ишларга бош-қош бўлади.

"Нусхайи зебоий Жаҳонгир" тазкирасининг яратилиши Мутрибийнинг Ҳиндистон сафари билан боғлиқ ва бу асар Жаҳонгир подшоҳга бағишланган. Бу тазкира маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, шоирнинг кўп йиллар кўнглига тугиб юрган ва ахири рўёбга чиққан мазкур саёҳати Имомқулихон давлатининг муайян мақсадлари йўлида амалга ошган. Аммо Мутрибий бу тўғрида очиқ маълумот бермайди. Бизнингча, бунинг сабаби бир томондан, топшириқнинг махфийлиги бўлса; иккинчидан, Мутрибий бу сафарга Имомқулихоннинг элчиси Абдураҳимхожа Жуйборий билан бирга чиққан ва асосий расмий топшириқлар хожа зиммасига юклатилган. Мутрибий эса иккинчи даражали шахс бўлган. Гарчи шундай эса-да, тазкирада бу сафар давомида Мутрибийга ҳам айрим очиқ ва яширин муҳим вазифалар юклатганини англатувчи далиллар мавжуд. Муаллиф маълумотларига кўра, у Жаҳонгир подшоҳнинг Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонга қайтиб кетаётган элчиси Саййид Мир Барака ва аштархонийлар элчиси Абдураҳимхожа Жуйборий ташаббуси билан йўлга чиқади. Улар Мутрибийнинг Ҳиндга ўзларидан олдинроқ етиб бориши учун барча расмий, молиявий шароитларни яратиб берадилар. Мутрибий Жаҳонгир билан учрашувларини тасвирлар экан, ўзининг Имомқулихон ҳимояси остидалиги, Ҳинддан қайтгач тўппа-тўғри бу ҳукмдор ҳузурига боражагини қайта-қайта таъкидлаб ўтади. Жаҳонгир унга Ҳиндистонда қолишни қаттиқ туриб таклиф этганда эса шоир ваъда қилинаётган зўр шароитлар, катта маблағ ёки, ҳатто, соғлиги кун сайин ёмонлашиб бораётган бу подшоҳнинг кўнгли учунгина озгина вақт бўлса-да, Ҳиндда туришга розилик бермай, Абдураҳимхожа Ҳиндистонга етиб келгани ҳамоно кўп ўтмай Мовароуннаҳр сари йўлга тушади.

Мутрибийнинг бундай ярим ошкора, ярим махфий хусусиятга эга дипломатик хизматлари Имомқулихон ҳукуматига нима учун керак эди?

Маълумки, аштархонийлар давлати Балх вилояти минтақаларида бобурийлар давлати билан чегарадош бўлган. 1625-йиллари Жаҳонгир билан ўғли Шоҳ Жаҳон ўртасида ички низолар кучайган бир пайтда бобурийлар ва аштархонийлар ўртасида ҳам дипломатик нохушликлар юзага келганди. "Жаҳонгирнома" маълумотларига кўра, ўша пайтлари Жаҳонгирнинг элчиси Саййид Мир Барака Имомқулихон билан музокараларда чегара масалалари бўйича аниқ бир келишувларга эриша олмай бир йилдан кўпроқ вақт Бухорода ушланиб қолади. Аммо Ҳиндистонда ота-ўғил ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиб, тахт тепасига Шоҳ Жаҳон келиши эҳтимоли кучаяди. Бу эса Имомқулихон давлати учун чегара ҳудудларида анча ноқулайлик, хавф-хатарлар вужудга келтириши мумкин эди. Шоҳ Жаҳон тахтга ўтирса, у билан тинч-тотув қўшничилик муносабатлари олиб бориш оғир кечиши мумкинлигини ўйлаган Имомқулихон дарҳол Жаҳонгир подшоҳга дўстлик изҳор этиш мақсадида унинг элчиси Мир Баракага рухсат бериб, ўз элчиси сифатида нуфузли шайх Абдураҳимхожа Жуйборийни Ҳиндистонга жўнатади. Бироқ, Ҳиндистондаги вазиятни яқиндан ўрганиш ва шу асосда келажакнинг дипломатик режаларини тузиш учун хонга бу элчилик фаолияти камлик қиларди. Зеро, кекса ва ихтиёри ўз қўлида бўлган, кейинги пайтлари хон билан ораси бироз бузилган Абдураҳимхожанинг Ҳинддан қайтиб келиш-келмаслиги юзасидан хон қўлида бирон-бир кафолат йўқ эди. Ана шундай вазиятда бу ўта муҳим топшириқ учун ўтган йили Ҳиндистон сари йўлга чиқиб, аммо Балхдан нарига ўта олмай қайтган ва бу орзудан ҳали воз кечмаган, кекса бўлса-да, анча тетик, давлат юмушларида суяги қотган Мутрибий энг ишончли, муносиб киши эди. Албатта, бу фикрлар Мутрибийнинг мазкур тазкираси ва "Жаҳонгирнома" ҳамда бошқа манбалар маълумотлари таҳлилидан чиқарган хулосамиздир. Мутрибийнинг бизга қолдирган хабарлари эса тубандагича.

Мутрибийнинг Мир Дўстий деган яқин дўсти Ҳиндистонга сафар қилиб, Акбар подшоҳ топшириғига кўра ўша ўлкада бутунлай яшаб қолиш ниятида оиласини кўчириб кетгани Самарқандга келади. У Ҳиндистонни роса мақтаб, Мутрибийни ҳам кетишга ундайди. Мутрибий дўстининг ҳикояларидан сеҳрланиб "ақлдан озай" дейди, бироқ, катта оиласини ташлаб кетишга ҳеч иложи йўқлигини айтади. 1604 йили ҳиротлик Мулло Назирий Машҳадий саёҳат билан Самарқандга келади ва Мутрибийникида ҳам меҳмон бўлиб, ўз юрти Хуросонни жуда мақтайди, Ҳиндистон сари ҳам сафар қилажаги, агар хоҳласа уни ҳам Ҳиндистонга бирга олиб кетиши мумкинлигини билдиради. Шоир бу таклифга кўнади. Бироқ Назирий Тошкентдаги пиру авлиёлар мазоротларини тавоф қилиш учун ўша шаҳарга ўтиб кетганича қайтиб Самарқандга келмайди ва Мутрибий учун Ҳиндистон сафари яна орзулигича қолади. Аммо у Ҳиндга боришдан умидини узмайди, устози Нисорий етолмаган орзуга етишишни бир дам ҳам хаёлидан чиқармайди. Бу истакларини "Тазкират уш-шуаро" асарида бот-бот эслатиб ўтади, Ҳиндга кетиб қолган дўстлари билан хатлар ёзишиб туради. У 1624 йили ўғиллари Муҳаммад Али, Шоҳ Али билан Балх, Бадахшон, Толиқон, Давлатобод, Қундуз вилоятларига сафар қилиб қайтади. Бир йилдан кейин эса Ҳиндистон сафарига отланади ва Балхгача етиб бориб, яна бу ўлка хону султонлари, шоирлари мулоқотига етишади. Жаҳонгир подшоҳ ҳузурига совға билан бориш учун 1034 йилнинг ражаб (1625 йил, май) ойида янги бир тазкираси — "Нусхайи зебоий Жаҳонгир"ни тузишга киришади. Бироқ биз билмаган сабабларга кўра, у бу сафарни давом эттира олмай яна Самарқандга қайтади. Бир йил ўтгач, аниқроғи, 1626 йилнинг мартида Мутрибий катта ўғли Муҳаммад Али билан Ҳиндистон сари йўлга чиқади. У Бухорода Абдураҳимхожа Жуйборий ва Саййид Мир Барака билан учрашади ва уларнинг қистови билан катта карвонга қўшилиб, май ойида Балхга етиб келади. Мутрибий Балхда икки ойча ушланиб қолади ва Абдураҳимхожа, Мир Барака ҳам унинг кетидан бу шаҳарга етиб борадилар. Мутрибийнинг Кобулга ўтишда чегара расмиятчилигига дуч келганидан хабар топиб қаттиқ ташвишланган Мир Барака бу масалаларни зудлик билан ҳал қилади ва ота-ўғилни бобурийлар давлатига қарашли Кобулга ўтказиб юборади. Мутрибий Кобулда оз вақт тургач, тез орада Нилоб ва Пешовар шаҳарлари орасидаги Навшаҳрга етиб боради. У ерда юқорида номини эслатганимиз — бир пайтлар аштархонийлар садри бўлган, эндиликда эса Ҳиндистонда мансаб эгаси бўлиб турган Хожа Зайниддин Муҳаммад бин Саййид Ҳодихўжа Нақшбандий билан учрашиб, уникида меҳмон бўлади. Тез орада Пешоварга, у ерда бироз туриб, сўнг пойтахт Лоҳурга етиб боради. Бир ойдан кўпроқ вақт давомида шу шаҳарда тазкирасини тугатиб ва қайта кўчириб 1036 йил 19 раби ул-аввал (1626 йил, 9 декабр) куни Хожа Фахриддин Ҳусайн бин Хожажон девон воситасида Жаҳонгир подшоҳ саройида унинг мулоқотига етишади.



Мутрибий ўз хотираларида Жаҳонгир билан ўттиз мартага яқин учрашгани ва бу мулоқотлар мазмунини бир-бир баён этади. У шу орада саройда малика Нуржаҳон бегим ва Ҳинд давлатининг бошқа устунлари билан ҳам учрашади. Улар шоирга қимматбаҳо совғалар тортиқ қиладилар.

"Жаҳонгирнома" маълумотларига қараганда, 1626 йилнинг 25 октябрида Ҳиндистонга Абдураҳимхожа ва Саййид Мир Барака Кобулга кириб келгани, уларни Кобул ҳокими Зафархон муносиб кутиб олгани ҳақидаги хабар етиб боради. Улар пойтахт Лоҳурга эса 1627 йилнинг 11 мартида кириб борадилар. Абдураҳимхожани Лоҳурга уч манзил ерда Жаҳонгирнинг энг яқин кишилари Мусавийхон, Баҳодирхон Ўзбек кутиб оладилар. Лоҳурга етгач Иродатхон, Хожа Абулҳасан девон азиз меҳмонга пешвоз чиқадилар ҳамда ўша куниёқ Абдураҳимхожа ва Жаҳонгир подшоҳ учрашуви бўлиб ўтади.

Мутрибийнинг ёзишича, Жаҳонгир подшоҳ Мутрибий билан мулоқотларининг бирида Абдураҳимхожанинг ҳам соғ-омон Лоҳурга етиб келганини катта хурсандчилик билан изҳор этган экан.

"Жаҳонгирнома"да айтилишича, Жаҳонгир подшоҳ 1627 йилнинг 20 мартида катта тантана билан Наврўз байрамини нишонлайди. Мутрибийга кўра, Жаҳонгир уни ўзи билан Кашмирга олиб кетажагини, у ерга Абдураҳимхожани ҳам олиб кетаётганини айтади. Мутрибий эса юрти сари қайтишга рухсат сўрайди. Шоирнинг анча илтимос ва узр сўрашларидан сўнг Жаҳонгир ўта оғриниб, Мутрибийга келгуси йили яна қайтиб келиш шарти билан ижозат беради.

Жаҳонгир подшоҳ ҳар йил ёз Кашмирда дам олиб, касал жонига оро киритарди. Шу йили у Абдураҳимхожани ҳам Кашмирга олиб кетади ва 1627 йилнинг 4 ноябр куни Кашмирда касали оғирлашиб, оламдан ўтади. Абдураҳимхожа ҳам шундан бир неча ой ўтиб Лоҳурда ҳаётдан кўз юмади. У билан бирга Ҳиндистонга борган ўғли Муҳаммад Сиддиқхожа кейинроқ отаси наъшини Бухорога олиб келади.

Мутрибий 1627 йил апрелида Лоҳурдан чиқиб, ўша йил июлида Балхга, икки-уч ойдан сўнг эса Бухоро, Самарқандга етиб келади.

### ҚЎЛЁЗМАЛАР ЯШИРГАН СИР

Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"ни Самарқанд ҳокими Хожибей Оталиқ Қушчи хизматида юрган ҳижрий 1011 — 1013 йиллари ёзади. Бизгача ягона қўлёзма нусхада Мутрибий дастхати билан етиб келган бу асарда унинг бош хон Вали Муҳаммад аштархонийга бағишлангани алоҳида таъкидланган. Бироқ, негадир, Вали Муҳаммадхон тазкиранинг бошидан — охиригача Балх вилояти волийси (ҳокими) сифатида тилга олинади, бош хон эса Боқий Муҳаммад деб кўрсатилади, тазкиранинг ҳижрий 1013 йили ёзиб тугалланаётгани қайта-қайта таъкидланади. Шу ерда айтиб ўтиш керакки, Ғаний Тошкандий исмли шоир ҳақидаги маълумотда қайд этилган сана бундан мустаснодир. Чунки бу лавҳа қўлёзманинг ҳошиясида келган бўлиб, унда 1014 ҳижрий санаси ҳам эслатилган. Тазкирада бу сана Мутрибий дастхати билан фақат бир бор, шу ҳошиядагина берилган. Савол туғилади — муаллиф асар ёзилиш йилини фақат 1013 ҳижрий шаклида ҳавола эта туриб, қандай қилиб қўлёзманинг Ғани Тошкандий маълумоти ичига 1014 йил воқеаларини ҳам киритган? Яна, нега бош хон сифатида бир пайтда икки хил одам кўрсатилган? Тадқиқимизга кўра, гап шунда бўлганки, бош хон Боқий Муҳаммад 1013 ҳижрий йилнинг охирида вафот этади ва 1014 йил муҳаррамида (1605 йилнинг июни) унинг укаси Балх ҳокими Вали Муҳаммад Бухорога келиб, бош хонлик тахтига чиқади. Бу пайтда Мутрибий "Тазкират уш-шуаро"ни тугатиб, уни Боқий Муҳаммадхонга бағишлаш арафасида эди. Аммо воқеалар бошқача тус олиб, кўрганимиздек, Мутрибий энди асарни янги бош хонга бағишлаши керак бўлган ва китобат қилинган тайёр қўлёзмани буза олмай, фақат бағишлов сарлавҳасидаги хон номини рангли сиёҳда ўзгартириб қўйган. Китобдаги бошқа фактлар эса эски сана бўйича қолаверган. 1605 йил май ойида тугаган асар ўша йили июл ойи Вали Муҳаммадга бағишланиб, Мутрибий уни янги бош хонга тақдим этган. Ғани Тошкандий ҳақидаги маълумот ҳам шу зайл кейинги йил санаси билан тазкирага кириб улгурган.

"Тазкират уш-шуаро"нинг бошқа қўлёзма нусхалари мавжудлиги айтилса-да, ҳозирча бу асарнинг фақат ЎзФАШИ Қўлёзмалар хазинасидаги 2253-рақамли мазкур ягона нусхаси илмий жамоатчиликка маълум. Афсуски, Мутрибий қўли билан битилган бу қўлёзма ҳам бизга ноқис ҳолатда етиб келган. Аниқроғи, қўлёзмадан қачонлардир бир неча варақ йиртиб олингани натижасида бу қўлёзманинг 170б-бетидаги матнда узилиш юзага келган. Яъни Мутрибий асар бошидаги мундарижада кўрсатган "нун" ҳарфининг Биринчи нуқтаси ва яна Иккинчи, Учинчи нуқталар бу ерда бутунлай йўқ. Яна шу ерда "син" ҳарфининг Биринчи нуқтасида ҳам бир неча шоир йўқ. Шунга қарамай, бу қўлёзма нусха орқали бизгача 326 нафар ижодкор ҳақидаги қимматли маълумотлар етиб келган.

"Нусхайи зебоий Жаҳонгир" тазкирасининг ҳам ҳозирча битта нусхасигина маълум. Қўлёзма 1665 йили Шоҳжаҳонободда кўчирилган бўлиб, ҳозир Англиянинг "Индия оффис" кутубхонасида сақланади. Айрим узилиш ва ҳатто имловий хатолардан холи бўлмаган бу қўлёзма асар маълумотларини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, мазкур қўлёзма Мутрибийнинг 1626 йил 9 декабрда Жаҳонгир подшоҳга топширган таҳрир нусхаси асосида кўчириб ёзилмаган. Чунки унда Мутрибийнинг Ҳиндистондан қайтганидан кейинги кўрган-кечирганлари ҳам ўрин олган ва бу қўлёзма асардаги энг охирги сана "1037 йил зулқаъда" (1628 йил, август) шаклида қайд этилган. Бу дегани — Мутрибий мазкур қўлёзмага асос бўлган "Нусхайи зебоий Жаҳонгир"нинг бошқа таҳририни Самарқандда 1628 йилдан сўнг ёзиб ниҳоясига етказган. Маълумки, Мутрибий тазкирани Жаҳонгирга топширганда бу ҳукмдор ўзининг ҳам кичик ҳажмдаги тазкирасини Мутрибий тазкираси билан бир муқова ичида сақлашни буюради.

Мутрибий Жаҳонгир подшоҳ билан мулоқотларини хотиралар тарзида алоҳида қаламга олади. Бу асарини у 1627 йил 25 феврал куни Ҳиндда ёза бошлаган. Мазкур мавжуд қўлёзма нусхада эса ҳам Жаҳонгир тазкираси, ҳам учрашув хотиралари тазкирага илова ва хотима сифатида, аммо асар таркибига сингдирилган ҳолда киритилган. Буни муаллиф китоб бошидаги мундарижадаёқ таъкидлаб ўтади. Эндиликда шу аён бўлмоқдаки, Мутрибий ўз асарлари қораламаси ва Жаҳонгир китобидан кўчирмани Лоҳурдан ўзи билан олиб қайтиб, кейинги воқеаларни ҳам уларга жой-жойи билан қўшиб, асарнинг янги таҳририни яратган. Бу таҳрир ҳам қачондир Ҳиндистонга бориб, бир неча бор қайта кўчириб ёзилган ҳамда улардан бир нусха бизгача етиб келган. Асарнинг Жаҳонгирга туҳфа этилган нусхаси эса ҳали топилган эмас. Агар бу қўлёзма нусха ҳам қўлга киритилса, манбашунослик нуқтаи назаридан унинг алоҳида ўз қимматига эга бўлиши шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, шоир ва адабиётшунос олим Мутрибий ўз замонасининг пешқадам зиёлиси сифатида XVI аср иккинчи ярми — XVII аср биринчи ярмида мамлакатда маданий-маърифий ишларга бош-қош бўлган, айрим дипломатик юмушларни ҳам бажарган. Бироқ, афсуски, унинг ана шу давр маданий, адабий ҳаётини акс эттирувчи тазкира асарлари ўзбек тилига таржима қилинмасдан келмоқда.

---

# ДЎСТИМ — ЧИРОҒИМ!

## ШОИРГА ХАТ

Шафоат!

Биродарим! Бу мақолани нега хат деб атадим? Чунки сизга бўлган кўнглимдаги гапларни ақлликка даъвогар мақола "жанри"га сиғдиролмаслигимни ҳис қилдим. Одам ким билан сўзлашаётганини билиши керак-да! Хат ёзаётганда эса суҳбатдошингнинг юзими, кўзими қаршингда туради. Носамимийлик, ёлғон ўзини, ҳеч бўлмаса, ноқулай сезади. Ўртадаги чин сўзлардан ийманибми, ҳар ҳолда, орани тарк этади.

Яна бир гап, Шафоат... Одам соғинган кишисигагина хат ёзгиси келади. Мен баъзан ота-боболаримизга ҳавас қиламан. Бирбирини соғинса, неча кунлар йўл юриб дийдорлашгани боришган. Ана суҳбат, ана гурунг!.. Инсон инсонни ана шу суҳбатларда кашф этган. Боришолмаса эса, хат ёзишган. Бу хатлар ҳамдард юракларни бир-бирига чамбарчас боғлаган. Фикрлар эса ўткирлашган, туйғулар нозиклашган; кўнгил савдолари, дунё муаммолари ойдинлашган... Чунки қоғозга тушган сўз (билмайман нимага?) инсонни моддий дунёдан кўра руҳий оламга яқинлаштиради. Умуман, менимча, ёзишга бўлган ишқибозлик улкан илоҳий соғинчким, бу дарднинг бир ёғдуси дўстлар дийдори билан ҳам боғлиқ.

Шу сабаб, азиз дўст, хат ёзмоқ парвардигор сизу бизнинг кўнглимизга солган улуғ бир мурувватдир. (Сиз ёзасиз: ***"Назм осмонида ким юлдуз, ким кун, Дилимга улардан тушган бир учқун. Уриниб ётаман шу учқун билан, Мен ўзга дилларга ўт бермоқ учун").*** Чунки аслида, шоиру адибнинг кўнглидан чиқариб ёзган (айтгандай, ҳозир дунё тақозоси билан "кўнгилдан чиқармай ёзиш" ҳам барқ ураяпти) ҳар бир сатри келажакка мактубдир. Оллоҳ, менимча, теварагида кечаётган дарду ҳасратларни — инсоният унутмаслиги керак бўлган буюк дарсларни — "келажакдагилар учун ёзиб қўй" деб қанчадан-қанча одамлардан бирига илҳому истеъдод беради. (Бўлмаса, бу илҳому истеъдоднинг кимга кераги бор?). Бу тоифа оловда ўртанган юраккина, кўкка тутини ўрлаб, бу вазифани бажаришга киришади. Чунки у, бир тарафдан, одамлар дунёси ҳақиқатларининг, дарду давронларининг номукаммаллигини ҳис қилади, қийналади ва бу нотўкисликнинг "айб"ларини қоғозга туширади. Шунинг билан бирга у, иккинчи тарафдан, оллоҳ яратган дунёдаги мукаммалликдан ҳайратга тушади, лол қолади. Бу номутаносибликнинг кўнгилдаги тортишувидан ***("Ер менинг тўшагим, шу олам кулбам, Кулбамга шам эрур Ой ҳам, қуёш ҳам, Шу улкан даргоҳнинг эгасиману Ҳаётимда ҳар куни яна недир кам".)*** эса буюк асарлар — буюк мактублар дунёга келади. Мана шу тортишувнинг оғриғидан Ҳақпараст шоирлар инсоният кўксидан отилиб чиққан "оҳ" каби, абадий зулумотга таҳдид солиб, руҳининг қувватига яраша шуълалар сочади.

Шафоат! Сиз мен учун жуда қадрлисиз! Чунки ҳар дам ёзганларингизни ўқирканман, сизнинг ҳам юрагингиз мудом шуъла сочиб турганига амин бўламан! Эҳтимол, сизга бундай зиёкор бўлиш Тошкентда яшаётган адиблардан кўра оғирроқдир? Ростини айтайлик, Тошкентдан нарига борганинг сари осмон пасая бошлайди. Ўзимиз гувоҳмиз, қанча-қанча дўстларимизнинг қадди икки букилмади, дейсиз! Аммо сиз мана шундай паст осмон тагида ҳам қаддини рост тутиб қолмоққа имкон топдингиз! Энди нима учун қадрлашимнинг маъносини тушунгандирсиз? Сиздаги камтарлик, хуштабиатлик, сабр-қаноат, адабиётга беминнат хизматкорлик каби фазилатлар балки қоматингизни тик ушлаб юргандир?

Дўст, мен сиз билан фахрланишимни ҳам айтиб қўяй! Сурхондарёга тошкентлик меҳмонлар билан борган чоғларимда, одатдагидай, сиз бир чеккада кўринмайгина ўтирасиз. Аммо, мабода сўз тегиб қолса, шундай мантиқли, шундай илму фаросатга йўғрилган гаплар айтасизки, менман деган интеллектуаллар "ҳайрат бармоғи"ни тишлаб қолишади. Сизга бирдан бошқача кўз билан қарашади. "Сурхонингизда аломат одамлар бор-да", деб шипшийди улар менга. Мен эса Сурхонга обрў олиб бераётган сиздай одам билан дўстлигимдан фахрларга тўлиб ўтираман.

Дўст! Мен бошда соғинч ҳақида гапиргандим. Ёш ўтган сари бу туйғу маҳобатли бўлиб борар экан. Ишқилиб, умрнинг ўткинчилиги тобора аниқ сезилган сайин, одамнинг қадри ортаяпти. Биродарим! Ҳозир ҳамманинг ташвиши кўпайиб кетган. Юртга бораётганда, дўстларни ташвишлантиришдан, ишдан қолдиришдан чўчиб тураман. Бироқ сизнинг борлигингизни ўйлаб кўнглим ёришади. "Шафоат бор-ку, дейман" қувониб. Ўшанда кўз олдимга нима келади? Чироқ! Эсимга тушганингизда, кўнглимни равшан этадиган чироқ! Ҳа, ҳақиқатдан сиз Сурхонга борганда, талпинадиган дўстим — парвардигор ёққан чироғимсиз!

Шафоат, энди фақат олтмишга — қутлуғ ёшга кирганлигингиз билан қутлаш қолди! Чин юракдан қутлайман! Сиз кўп иш қилдингиз! Аммо ҳали амалга ошириладиган ишларингиз олдинда! Бу гапни тасалли учун айтаётганим йўқ! Ўзини билган ижодкорга олтмишдан кейин ҳақиқий ижод фасли бошланади. Шеър — ёлғиз юракнинг узун-аччиқ тажрибасидир. Ижодга хиёнат қилмаган шоирлар учун парвардигор олтмишдан кейин янги мукофотлар — янги ҳасратли қўшиқлар беради.

Умрингиз узоқ бўлсин, азиз дўст!



Шафоат РАҲМАТУЛЛА ТЕРМИЗИЙ

### ЗАРАУТ

Асрлар ғуборин боқса аритиб,
Ўтмиш келажакни турар ёритиб.
Эй Ватан, ҳар тошинг миллат тарихи,
Тарих-ла тарихда бор минг тафовут,
Бир қадим тарихсан сен ҳам Зараут.

Ул улуғ аждодлар ўн ё қирқ минг йил
Ўзлигига бериб шаклу шамойил
Тош китоб битмоқни этмиш тамойил,
Эй аждод мероси, ғурурни овут,
Сен қадим тарихсан — шонсан, Зараут.

Ҳақ қавми сочилиб заминда ўсди.
Замонлар танитди душману дўстни,
Мусони, Исони,топди Зардуштни.
Балки, сенинг боланг Зардушт ё Довуд,
Эй Расул қавмига Ватан — Зараут.

Бир муддат ёв босди гоҳ шу Ватанни,
Маҳв этди Широқни-вужудни-танни.
Лек забт этолмади руҳий маъданни,
Эй руҳоний тарих — ўзликка совут.
Енгилмас бир қалъа сенсан, Зараут.

Шу Ватан миллатнинг қутбул Қуръони,
Шу Ўзбек—минг йилким тождор Турони.
Ҳар уй улғайтар бир Соҳибқиронни,
Шай ёвга солгали бургутдай човут,
Қудрат ва қанотсан сен-да, Зараут.

Сенинг салтанатинг абадий пойдор,
Кўҳитанг саройинг, маликанг—баҳор,
Шукур, насиб этса зиёрат, дийдор.
Пойимизга ёзгил поёндоз-мовут,
Ассалом алайкум, ҳазрат Зараут.

### АЛПОМИШ

Мингга кирган алплар шоҳи алп Алпомиш,
Довруғингга жаҳон аҳли жалб, Алпомиш.
Ўзбегимнинг ўзлигига қалб — Алпомиш,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

Чечак қилдинг не Фозилдек асилларни
Қодир, Чорша, Шобердидай насилларни.
Шу ботир эл-бахши завқинг ҳосиллари,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

Етти, етмиш, юз йил қолдинг зиндонда сен,
Асоратда азобландинг чиндан-да сен.
Ўшанда ҳам собит турдинг иймонда сен,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

Замон келди ҳақ жойида топди қарор,
Эрк ёвлари ўнгланмас бўб топди зарар.
Ўзбекистон — озод Ватан топди барор,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

О, Алпомиш, сен мардликнинг оятлари,
О, Ойбарчин, сен садоқат баётлари!
Мангу ибрат достон бўлган ҳаётларинг,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

Қирларингда Қултой бўлиб қўзи боқдим,
Тўйларингда Ёдгор бўлиб илик қоқдим.
Кенгликларда Бойчибор-ла бирга оқдим,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

Пешонамда ёруғ битик боримсан, сен,
Жаҳон достонлари аро оримсан, сен.
Юрт сўраган Темур, Ислом Каримсан сен,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг мангу ғолиб халқ, Алпомиш.

Гулжамол АСҚАРОВА

# ЖИСМИМГА ЖОН СИҒМАЙ СЕВДИМ



* * *

Ота! Қандоқ яшасам бўлар?!
Кечалари маҳзун ўйладим.
Ота, дунё узун йўлакча,
У эртакдир руҳимдай қадим.

Ота! Дунё — узун йўлакча!
Ҳорғин кўрдим бу йўлда Сизни.
Сиз бу йўлда толиқдингиз-а,
Зериктирди бу эртак мени.

Ота! Дунё — узун йўлакча,
Унда руҳим топмади Ватан.
Катта йўлга чиқардим, ота,
Ўтиб олсам шу йўлакчадан!..

* * *

Ўжар руҳим туфайли бахтим
Йўқолса ҳам куймадим, ота.
Яшамоқчи эдим мен мағрур,
Лекин ҳаёт қўймади, ота.

Ота, мунглиғ тупроқда топдим
Мен энг буюк тариқатларни.
Ва руҳимга байроқ айладим
Энг покиза ҳақиқатларни.

Ҳеч тан олгим келмади, ота,
Ишқ ўзимга қайтар ўқлигин.
Бу ғариба шеърларим билан
Мангуликка дахлим йўқлигин.

Лекин менинг ғариб шеърларим
Қиёматга ёзган хатимдир.
Сиз тупроққа ўхшайсиз, ота,
Тупроқ менинг тариқатимдир.

## КЕЧА ВА БУГУН

Ўйлар эдим: ҳаёт бизни сийлайди деб,
Биз куйлаган қўшиқларни куйлайди деб.
Бугун бўм-бўш юрагимни сийлаяпман,
Ҳаёт қандай айтса, шундай куйлаяпман.

Ўйлар эдим: сўнмас менинг ғururларим,
Кўксимдаги ҳайратларим, сурурларим.
Бугун қолдим икки ўтнинг озорида,
Йиғлаяпман ғуруримнинг мозорида.

Ўйлар эдим: дўстларим бор дил чоғ этар,
Йўлимдаги чоҳларимдан огоҳ этар.
Ёраб, бугун бу ўйиндан ўзиб чиқдим,
Дўстим ташлаб кеттан чоҳдан ўзим чиқдим.

Ўйлар эдим: севган ёрим ташлаб кетмас,
Жондай севар, кўзларимни ёшлаб кетмас!
Ўйлар эдим: мен-чун ёнган адо йўқдир,
Бугун ундан садо йўқдир, садо йўқдир!

Ўйлар эдим: тоғдек баланд яшайман деб,
Қирчаларга қандоқ назар ташлайман деб.
Тоғдек чўкдим! Нелар ларза солди менга,
Бугун тоғлар қирдек бўлиб қолди менга.

Дунё экан тоғларингни қир қилгувчи,
Дунё экан осмонларинг ер қилгувчи.
Келишмадим тоши ёлғон савдо билан,
Она-бола бўлолмадим дунё билан!

* * *

Майсаларнинг иши йўқми илдиз билан,
Осмоннинг ҳеч иши йўқми юлдуз билан.
Эй, худойим, мени нега унутгансан,
Ёлғизнинг ҳеч иши йўқми ёлғиз билан?

“Мени сев” деб бўйларида ўлтирибман,
Телба бўлиб куйларида ўлтирибман.
Ташнасига бир қултум сув бермайди у,
Ариқнинг ҳеч иши йўқми ялпиз билан?

Уни севдим, томирга қон сиғмай севдим,
Уни севдим, жисмимга жон сиғмай севдим.
Эй, худойим, бунча оздир унинг ишқи,
Жилғаларни тенглаштирма денгиз билан.

Ўн беши—тун, ўн беш кунинг ёруғ бўлар,
Айтдиларки, энди дардинг фориғ бўлар.
Ўн бешидан ўн беш минги ўтиб кетди,
Кўзларим ҳеч учрашмади кундуз билан.

Куйлаб-куйлаб юрагимни яро қилдим,
Яшаб-яшаб юзгинамда ажин кўрдим.
Эй, худойим, бош кўтармай кетарман мен,
Ахир, сенга юзлашарман қай юз билан?!

## НАВРЎЗ ШУКРОНАСИ

Келдингми, Наврўзим—гулим, гул юзим,
Баҳор девонига сарлавҳа сўзим,
Кунлар карвонига сарбон юлдузим,
Жамолинг жилваси жондай, азизим,
Соғинтирган дийдорингдан ўргилай.

Сени тоғу саҳро, гулзор соғинди,
Муздан дилзада сой, анҳор соғинди,
Лайлакни туш кўрган Минор соғинди,
Ранг излаб бўзарган ашъор соғинди,
Соғинтирган дийдорингдан ўргилай.

Шукрким, турналар қайтмоқда омон,
Қалдирғоч ошёнин изламас сарсон,
Камалак белбоғин боғлади осмон,
Ернинг бўсасидан ярақлар кетмон,
Соғинтирган дийдорингдан ўргилай.

Келдингу нур узра нурлар жамланди,
Қор эзган адиру қир гиламланди,
Қизларнинг қошлари боз қаламланди,
Йигитлар қалбида ишқ оловланди,
Соғинтирган дийдорингдан ўргилай.

Меҳримни пойингга пояндоз айлай,
Кўнглимни куйингга жўровоз айлай,
Офтобинг торларин тилла соз айлай,
Субҳий саболарга шарҳи роз айлай,
Соғинтирган дийдорингдан ўргилай.

Наврўзим,ташрифинг жонларга жондир,
Рангпар уфқларни лолангдай ёндир,
Интизор дилларни васлингта қондир,
Жумлаи жаҳонни шунга ишонтир —
Ки, мангу масканинг Ўзбекистондир,
Соғинтирган дийдорингдан ўргилай!

## ДУНЁ

Қайтар дунё қайтмай қўймас, қайтади,
Айтар сўзин айтмай қўймас, айтади,
Гул тутсанг—гул, тош отсанг тош отади,
Ўйламаким, алданади бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё.

Айлананинг боши-сўнги бўлмагай,
Олди-орти, сўлу ўнги бўлмагай,
Кириб-чиқар ёқа-енги бўлмагай,
Синовларнинг салтанати бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё.

Туну кунни алмаштириб айланар,
Хору гулни чирмаштириб айланар,
Чўғу кулни қориштириб айланар,
Сўнг ажримга шайланади бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё.

Самандар ВОҲИДОВ

# КАМАЛАК БЕЛБОҒИН БОҒЛАДИ ОСМОН...

Қилмишингга холис ҳакам вақт эрур,
Баҳоси ҳам насиямас, нақд эрур,
Ҳамма унинг раҳмига илҳақ эрур.
Интиҳода англанади бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё.

Яраланган ўксик ҳислар покланар,
Қораланган гуноҳсизлар оқланар,
Ороланган орсиз юзлар доғланар,
Бир тиниб, бир лойланади бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё...

Роҳат кўрмай,“дунё—заҳмат”, деганлар,
Заҳмат кўрмай,“дунё—роҳат”, деганлар,
Фалак чархин айланишин қаранглар:
Офтобланиб, ойланади бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё...

Қайтар дунё, қайтмай қўймас,
қайтаркан,
Айтар сўзин айтмай қўймас, айтаркан,
Тунни енгиб, ярқироқ тонг отаркан —
Шукрин сўйлар нур тилида дафъатан:
“Ҳақни ноҳақ айламади бу дунё,
Айланадир,
Айланади бу дунё”...

* * *

Ҳасрат қилди бир кун пашша илонга:
—Устоз, менда ҳам бор сиздаги заҳар.
Сиз чаққан ҳар жонзот айрилар жондан,
Мен чақсам, шунчаки қашиниб қўяр.

Ноқобил “шогирд”га юзланди “устоз”:
—Заҳри бор ҳар маҳлуқ саналмас илон.
Мен чақсам,
Мақсадим — қадр учун қасос,
Сен чақсанг,
Илинжинг — сўрмоқ қатра қон.

Илонлар нафс учун қадрин хор қилмас,
Заҳрига жойлагай ёвга қаҳрини.
Қорингa кул бўлган
Қасосни билмас,
Тамаъ қирқар, ҳатто, заҳар заҳрини...

* * *

Ҳайрон қолма, биродар,
Дунёнинг бу коридан.
Кўндирмайди йўғига,
Қондирмайди боридан.

Бировда молу дунё,
Бировда ақлу шуур.
Бировнинг жони — улфат,
Бировга узлат — ҳузур.

Иймон ила ҳамённинг
Пайваст бўлиши душвор.
Иймонлига Оллоҳу,
Ҳамёнлига тилло ёр.

Икки кема бошини
Тутмоқ хаёли — хато.
Бир пайт Ой, Қуёшни
Фалак қучолмас ҳатто.

Ҳар нарса ўз ўрнида
Қойимлиги сир эмас.
Инсон — тақдирга тобе,
Соҳиби тақдир эмас.

Янги гапмас ушбу гап,
Бу гап — чақилган мағиз.
Ўлмас ҳикмат демишлар
Хўжа Исмат бобомиз:

“Оллоҳ кимга неники
Қилган экан марҳамат,
Йўғини бермагайдир,
Борини бил ғанимат”.[1]

1. Хўжа Исмат Бухорийнинг “Борларга йўғини асло бермаслар” сатрига ишора.



## ЭНГ ОММАВИЙ “НАШР”

Интернетда “Ўзбек адабиёти” сайти очилганига эндигина бир ярим ой бўлди. Унга адабиётимизнинг энг қадимги даврларидан бугунигача бўлган муҳим маълумотлар, ўзбек адибларининг ҳаёт йўли ва адабий фаолияти, ҳозирги адабий жараён, нашрлар, бадиий асарлар, илмий адабиётлар, қўйингки, адабий-маданий ҳаётнинг ҳамма соҳалари қамраб олинган.

Сайт интернетга уланган кундан бошлаб, унга акс-садолар кела бошлади. Жумладан, АҚШ, Туркия, Эстония, Корея, Литва, Қирғизистон ҳамда мамлакатимизда яшовчи адабиёт мухлислари бу янгиликни мамнуният билан кутиб олганликлари ва жуда кўп фойдали маълумотларга эга бўлаётганликларини билдиришмоқда. Шу билан бирга, сайтни қадимги ҳамда ҳозирги адабий жараён маълумотлари билан янада бойитиш таклифи ҳам билдирилмоқда.

Ҳозирча мазкур сайтдан 3500га яқин киши фойдаланди. Жумладан, ҳар куни 70дан ортиқ адабиёт мухлиси шу сайтда ишламоқда. Оммавий “нашр”га айланиб улгурган ушбу сайт ҳар куни изчил равишда янгиликлар билан тўлдириб борилмоқда. Шу кунгача яна 20га яқин шоир ва ёзувчи ҳақида янги маълумотлар киритилди.

Шунингдек, мазкур сайтда “Тафаккур”, “Гулистон”, “Жаҳон адабиёти”, ”Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ҳар бир сони шарҳи ҳам мунтазам бериб борилмоқда.

Сайт тез кунда энг катта "оммавий кутубхона"лардан бирига айланиши шубҳасиз.

**Ш.ҚОСИМОВ**

ҲИКОЯ

# ЖАЗО

Эркин САМАНДАР

Гўё Энахон аяни катга кимдир михлаб ташлаган. Ўрнидан туриши уёқда турсин, ёнбошига ағдарилиши амримаҳол. Мана, ҳозир у ўнг томонига ўгирилмоқчи, чунки чалқанча ётавершдан елка ва беллари тарашадай қотиб қолган. Лекин ўша “мих” қўйиб юбормаяпти. Қандай бўлмасин, у ёнбошлаб ётиши керак, суяклари зирқираб боряпти, қолган-қутган кучини йиғиб, ўнгга қайрила бошлади, “мих” бир баҳя қўйиб юборгандай бўлди. Яна бироз, тағин, тағин, деди ая ичида. “Мих” эшитдими ё ўзига қандайдир мадор келдими, бир амаллаб ёнбошлаб олди. Елкаларига жон киргандай бўлди. Нари сурилган ёстиқни бошига тортиб, ўнғайроқ ётиб олиши билан яна миясида ари ғўнғиллай бошлади. Кўпдан ўзи шундай, оғриқ сал нари кетдими, тамом, ўрнини ўша ари — (оғриқли хаёлнинг отини ая ўзича ари қўйган) ўша дардисар эгаллаб олади. Ғўнғиллайверади, аяни бир кўчадан иккинчи, сўнгра учинчи кўчага олиб кириб-олиб чиқади-да, охири кўз илғамас уммонга элтиб, гирдобларга ташлайди.

Ҳозир “ари” уни изи-кети кўринмайдиган бу хасталикнинг сабаби не экан, деган масалага яна рўбарў қилди. Тонгсиз тунлардаю тунд кунларда ая бу ҳақда кўп ўйлаган. У билади, ташланган яхши-ёмон қадамларнинг ҳисоб-китоби бўлади. Одамларга ёмонлик қилган, азоб берган, ноҳақ бировларни хўрлаган кимса охир-оқибат бир офатга, масалан, оғир хасталикка чалинади. Шуни ўйлаб, ая ўзининг бутун умрини, босган қадамларини кўз олдидан ўтказади. Беайб парвардигор, у ҳам хатолар қилган, лекин ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаган. Ҳеч кимга. Пичоқни аввал ўзингга ур, сўнг бошқага, деган ақидага риоя этиб келган. Шундай экан, бу бедаво хасталик қаёқдан келақолди?

Эшитгани бор эди, аждодингда бир ёмон ўтган бўлса, унинг касри авлодидан кимгадир урармиш. Ая ўзи билан етти пушти орасида ёмон от чиқарган бирор кимсани билмайди. Балким марҳум эри...

У каттакон эди, райком эди. Ишига пухта эди. Лекин... ўтганларни ёмонлашмайдию тўғри гап, диддаси қаттиқ эди. Бўлар-бўлмасга қўл остидагиларга кўп зуғум ўтказарди. Аччиқ устида ноҳақ қаматиб юборганлари ҳам бўлган. Ҳалол ва тўғри сўз отаси қамалган қўшни қиз ўзига ўт қўйиб юборган ҳам эди. Шунда ҳам пинагини бузмаганди-да райком...

Ая ўша пайтларда ўқитувчи эди. Баъзи аёллар гоҳида унга келишарди. Айтинг, ахир, эрингизга, хўжайинларимизда тирноқча ҳам айб йўқ, ноҳақ азоб бермасин, дейишарди. Ая эрига айтарди. Дангал-дангал айтарди. Ишимга аралашма, деб силтаб ташларди у. Оилада ҳам чўрткесар, уйда ҳам “райком” эди-да.

Аянинг дами ичига тушарди. Кучи ҳеч нимага етмаганидан эзиларди. Дардларини хаёлларга айтарди, холос. Бир китобда ўқигандики, коинотдаги ҳамма нарса, барча жонзот кўзга кўринмас занжир билан бир-бирига боғланган. Ер шари билан айлана борлиқни бир-бирига улаб турадиган бу занжир зоҳиран йўқ, аммо аслида бор, борлигини доимо эслатиб, кўрсатиб туради. Дейлик, биров бировга тан ё жон азоби берди ёхуд уни ўлдирди (занжирдан битта халқани узди). Шуниси, ҳаққи, унинг кетидан ўзи узилмай қолмайди. Мабодо бу дунёда жазодан қутулса ҳам у дунёда дўзах ўтларида ёниши бор. Нега шуни билишмайди, билишни исташмайди. Нега?

Эрининг касри аянинг битта ўзига урган бўлса, майли, энди умри қанча ҳам қолди. Аммо қизига, Гавҳаржонига урмасин. Илоё, ура кўрмасин. Лекин қизининг феъл-атвори ҳам дадасиникига ўхшаб кетади. Чўрткесарроқ. Бераҳмроқ...

Бундай қараганда ая уни деб яшади, умрини уни деб ўтказди. Ўттиз беш ёшида бева қолгач, қизгинам бировга бақна бўлмасин деб бошқа эр қилмади. Югурди-елди, қизини зориқтирмай эл қатори едирди-ичирди, катта қилди. Дипломли қилди. Телефонхонада ишлаяпти. Худо хоҳласа, яқинда тўйини ҳам ўтказади. Тузуккина йигитга нон синдириб қўйишган. Сўнг ая кетма-кет неваралар кўради, ширин-шакар ўғил-қизларнинг момоси бўлиб, оёқ узатиб яшайди. Тезроқ тузалиб кетақолсайди. Аммо ёмонликнинг касри... Қизининг ташвиши...

Баногоҳ уст-устига ҳакка чакаклади. Аянинг хаёли қочди. Сездики, у эшик олдидаги гужум шохасида ҳакакламоқда. Ирими яхши эмас, ўйлади ая, том бошида ҳакка қақшадими, тамом, бир кўнгилсизлик бўлмай қолмайди. Бундай пайтда хушхабар, хушхабар, деб қўйиш одат. Кулфатни даф этади, дейишади.

Ичида уч марта хушхабар, деди ая. Ҳакканинг эса чакаги тинай демасди. Ая ўрнидан турмоқчи, қандайдир нохушликдан ишорат бераётган шумқадамни ҳайдамоқчи бўлди, аммо “мих” қўйиб юбормади.

Ҳаккага кимдир, ниҳоят, кесак отди. Кесакнинг шохага тарақлаб текканu, ҳакканинг потирлаб учиб кетгани эшитилди. Бу Гавҳаржоннинг иши, ўйлади ая, фақат угина бирон нима қилса, шундай шиддат сезилади. Ҳали бозорга кетганди, тезроқ келгани тузук бўлди. Лекин... ҳакка не офатдан дарак бериб кетдийкин? Ўз паноҳингда асра, Худойим!



Бир тўлқиндай шопирлаб кириб келди қизи тушмагур. Иссиқданми ё ҳаккага тўпинганиданми юзлари бўғриққан. Қоп-қора кўзлари ёниб турар, гўёки у бир ўқ-у кимдир мана-мана отиб юборадигандай таранг эди. Унинг ҳовлиқишларини кузатаркан ая “Худойим, уни ўзинг асра” деб қўйди ичида яна бир карра.

Ҳаммаси ғалати бўляпти-да ўзи. Ишга бормайдиган куни бўлса-да, бугун тонг саҳардан ирғишлаганча ўрнидан турди. Қувурдан шароқлатиб челакка сув қуйди-да, супургини олиб ташқари отилди. Каллаи саҳарлаб уй супурадиган одати йўқ эди. Кўчани-ку, умуман супурмас, ая ётиб қолгани сабаб онда-сонда хас-чўпдан тозаларди, холос.

Эшик олдига сув сепишу кўчани супуриб-сидиришга бугун нега рағбат кўрсатиб қолдийкин, яна қушлар уйғонмасидан олдин-а!? Бирон тушмуш кўрмаганмикан... Аянинг кўнгли маҳзун тортди. Ёмон хаёлларга берилишнинг хосияти бўлмас, деган фикрга бориб, кўнгил осмонига келган қора булутларни ҳайдади.

Қуёш ёйилиб-ёйилмай Гавҳаржон чой дамлаб, чойнакка “дўппи” кийгизиб қўйдию апил-тапил кийина бошлади.

— Йўл бўлсин, қизим, — ҳайрон бўлиб сўради ая.

— Бозорга ўтиб келаман, — жавоб берди Гавҳаржон шошиб туфлисини кияркан.

— Мунча эрта... не олмоқчисан ўзи?

— Ҳеч нима. Шундай бир айланиб келмоқчиман.

Ая тағин ҳайрон бўлди. Ҳали бозорчиларнинг ўзлари келмай туриб бозор айланиш... Аянинг назарида қизи ўз танига сиғмай ноаниқ бир манзил сари шошаётгандек эди.

Шу тариқа қизи тўлқиндай шопирлаб чиқиб кетди. Мана энди яна бўронда тошган ўша тўлқиндай шовуллаб келиб тургани.

— Қассобдан янги сўйилган эт опкелдим, эна, — деди у халтачани усталга тап эткизиб қўяркан, — селли қозонкавоб пишириб бераман ҳозир. Касаллигингизга шундан зўр шифо бўлмасакан, дўхтир айтган эди.

— Вой, қизим-ей, каллаи саҳардан шуни деб бозорга югургилаб юрибсанми ҳали. Биласанку ўзинг, этни ейиш уёқда турсин, бурнимга иси кирса кўнглим беҳузур бўлиб кетади.

— Бунинг ўзи ҳам, иси ҳам бошқача. Қумда ўтлатилган қўзичоқнинг барраси. Гул ҳидлагандай бўласиз, оғзингизда эриб кетади. Ейсизу ўрнингиздан ирғиб туриб кетаверасиз.

— Этни соғ одам сингдиради, ахир. Менга у оғирлик қилади. Қўй, қизим, мени деб қозонга қарама.

Энасининг сўнгги гапини Гавҳаржон жавобсиз қолдириб, кескин бурилди-да ичкари кириб кетди. Бир зумда енги калта, гулли халатини кийиб чиқди. Шошганидан тугмаларини ҳам солмаган, оппоқ тани-бадани шундоқ кўриниб турарди. Танидай умри ҳам чиройли бўлса эди, кўнглидан ўтказди ая, тўйини кўриб ўлсам, армонсиз кетардим.

Гавҳаржон шу тезликда ошхонага кириб қозон-ўчоқни тахт этиб чиқди. Масалликни энаси олдида, айвонда тайёрлашга киришди. Хонтахта устига чойшаб ёйиб, икки бош оқ пиёз келтириб ликопчага қўйди. Гўштнинг лаҳм жойидан кесиб косадаги сувда чайиб олди. Яна не керак бўлса, барини келтириб, кўрпача устига ўрнашиб ўтирди-да, ишни пиёзни арчишдан бошлади.

— Эҳтиёт бўл, қизим, — деди ая, — қўлинг қўлингга тегмайди-я. Пичоқ билан ўйнашма.

Қизи эшитмаганга олиб ишини шу зайл давом эттираверди.

Ёғ ҳиди буркси айвонга урилди. Гавҳаржон даст ўрнидан турди-да, ошхонага югурди. Ёғнинг ҳали доғланмаганини кўриб, қозоннинг қопқоғини яна босиб қўйди-да, оловни бироз кўтарди. Сўнг бошқа ишларга андармон бўлди.

Ўз хаёллари билан бир бўлиб ётган ая ниманингдир шитирлаганини сезиб эшик томон бошини бурди.

Шу пайт... айвон эшиги ғийқ этиб очилди. Ая бошини бироз кўтариб кўз солди. Қия эшикдан қўнғир мушук бошини суққанича хонтахта устидаги гўштга тўпиниб, мана-мана ташланай деб турар, чамаси у ҳид олиб олдинроқ келгану ғужанак бўлиб пайт пойлар эди.

Ая таниди. Қўшнининг мушуги. Болалаган деб эшитувди яқинда. Бир йўла еттита туққан эмиш. Эгаси эса узоққа кетган. Олди-сотдига. Мушук болаларига сув-нон берадиган киши қолмаган чоғи. Болалари ғамида кирган бу ёқларга мушук бечора. Аянинг юраги ачишди. Қизига товуш берди.

— Гавҳаржон, ҳов, Гавҳар, бу ёнга чиқ.

Қизи эшитмади. Гўштдан пича бериб юбор мушукка, демоқчи эди ая, олиб бориб болаларининг оғзига тутсин бечора.

Ўлжанинг холи қолдирилганини кўрган мушук отилиб кирди-да, бир зумда хонтахта устида пайдо бўлди. Ая бу гал бор кучини тўплаб қаттиқ кичқирди: ўвв, Гавҳар!

Гавҳаржон чиққанида мушук гўштни кўтаргилаб улгурган, жуфтакни ростлаётган эди. Мушук бу ёқда қолиб Гавҳаржон эшик томон югурди. Мушукдан олдин эшикка етиб борай деганди, айни шундай бўлди, бориб апил-тапил уни зичлаб ёпди. Қопқага суянганча “энди қаёққа қочасан” дегандай мушукка бир пас тикилиб турди. Пайтдан фойдаланиб ая деди: қўй, болам, озорлама мушукни, гуноҳ бўлади, эшикни очда чиқариб юбор, яқинда болалаган ҳам экан садпора.

Гавҳаржон энасининг сўзларини ё эшитмади, ё парво қилмади.

Олазарак мушук қўлга тушганини сезиб жон ҳолатда ўзини ошхонага урмоқчи бўлди, аммо ёғ ҳиди чиқмасин деб Гавҳаржон уни бекитиб қўйган эди, кўриб орқасига қайтди. Оғзида гўшт, кўзлари ёнганча дераза ва хобхона эшикларига қаранди, улар ҳам ёпиқ эди. Ҳимояга чоғланиб гўштни қаттиқ тишлаганча ўзини хонтахта остига урди.

Гавҳаржон қўлига илган кўрпачаю шолчалар билан хонтахта ён-теваракларини ёпди. Энди кунинг битди, ўғри, дегандай оёғи остига ғолибона қараб қўйди.

Ая талваса ичида яна тушунтирди: қийнама, мушукни. Қўйиб юбор, жон болам, ирими ёмон.

Гавҳаржон энаси томон кескин ўгирилди-да, жим ётинг, деган маънода қўлини асабий силкитди.

Қулоғига гап кирадиган ҳолатда эмасди қизи. Унинг кўз-қулоғи, фикри-ёди хонтахта остидаги “ёв”да, уни ушлаб олиш бирдан-бир мақсадига айланган эди. Шу йўлда у давом этди. Кўрпачанинг бир чеккасини аста кўтариб, мушукка ингичка йўл очди, чиқиши ҳамоно уни хиппа бўғишга шайланиб турди. Бу қопқон иш бермагач, шиддат билан хонтахтани кўтарди-да ўзини таппа мушукнинг устига ташлади.

Ҳолдан тойган мушук берсам қутуламан, деб ўйлади шекилли, оғзидагини ташлаб юборди. Аммо у “калта ўйлаган” экан, бўйнига солинган сиртмоқ бўшалиш ўрнига борган сайин қисиб, омбурдай бўға бошлади.

Мушук типирчилаб-типирчилаб, хиқиллаб-хиқиллаб жон берди. Унинг қулоқлари оч ётган болаларнинг нолаларини сўнгги бор эшитган бўлса, жон олаётган “жаллод”ни қарғаган бўлса, не ажаб!

Юраги қон бўлиб кетган ая ётган жойида аламли бир тўлғанган эди, “мих” уни қўйиб юборди шекилли, чайқалиб ўрнидан турди-да, ўзини катдан ташлаб қарғанганча қизи томон сурунди. Димоғига сассиқ ҳид урилдию ошхона томон ўгирилди. Қозонга қара, Гавҳар, ўт олган бўлмасин, деб чинқирди.

Ўғри мушукни бирёқлик қилган Гавҳаржон ёғни оловга қўйганини эслаб ўзини ошхонага урди. Эшикни очиши билан... гуп этиб олов кўтарилдию юз-кўзларини куйдира бошлади.

Аянинг хаёлига негадир лоп этиб ўша қўшни қиз келди. Ноҳақликка чидолмай ўзига ўт қўйган қиз. Гавҳаржонга ҳозир ёпишган ўт ўша қиз суяклари оловидан тутатқи олган бўлса-чи!..

Аянинг ичидан отилган дуд ошхонадан чиқаётган тутун билан қоришиб, томоғини бўға бошлади...

ДИЛ СЎЗИ

## МАТНШУНОС

1967 йилнинг февралида Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигини кенг кўламда нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган пайтда Ўзбекистон ҳукумати буюк шоир номида Адабиёт музейи ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ўша, музей бунёд этилаётган даврда устоз Ҳамид Сулаймон ёнида туриб меҳнат қилган, унинг ишончини қозонган илмий ходимлардан бири Фатҳулла Ғанихўжаев эди. Музей ташвишлари билан бирга, вақт топиб, XIX аср Хоразм адабий муҳити бўйича тадқиқот олиб борган Фатҳулла ака кўп ўтмасдан «Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлади.

Биз, бир неча ёш, олий ўқув юртини эндигина тамомлаб музейга ишга келганимизда Фатҳулла ака бу илм ва маърифат масканининг эътиборли ходимларидан бири, айни чоғда, илмий ишлар бўйича директор муовини эди. Табиатан камтар ва камсуқум, ўзгаларга ўта мулойим муомалада бўлувчи бу инсонга биз — ёшлар ўзгача ҳавас ва ҳурмат билан қарардик. Олимнинг «Табибий» номли монографияси ҳам ўша пайтлари босилиб чиққанди. Муаллиф китобига дастхат ёзиб бизга тақдим этганида у кишига бўлган ҳурматимиз янада ошган, илмга бўлган рағбатимиз ҳам ортган эди.

Фатҳулла ака илмий фаолиятдагина эмас, ташкилий ишларда ҳам пешқадам ходимлардан эди. Музейдаги маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар кўпроқ у кишининг ташаббуси билан ўтарди. Олим Адабиёт музейининг вилоятлардаги филиаллари — Андижондаги Адабиёт музейини, Самарқанддаги Садриддин Айний уй-музейини, Жиззахдаги Ҳамид Олимжон уй-музейини яратишда ҳам фаоллик кўрсатди. Бир неча бор республика бўйлаб уюштирилган археографик экспедицияларда қатнашиб, аҳоли қўлида бўлган қадимий қўлёзма китобларни тўплаш ва қўлёзмалар хазинасини бойитишга муносиб ҳисса қўшди.

1978 йили Адабиёт музейи асосида Қўлёзмалар илмий-текшириш институти ташкил топгач, Ф. Ғанихўжаев бўлимлардан бирини бошқара бошлади ва улуғ шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг қўлёзма меросини ўрганиш билан шуғулланди. Олим собиқ шўролар давлатининг бошқа республикаларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган Огаҳий асарлари қўлёзмаларини ҳам бирма-бир ўрганди. Чунончи, собиқ иттифоқ ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида, Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида сақланаётган «Таъвиз ул-ошиқин» девони, «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих» каби тарихий китобларни ҳам синчиклаб ўрганиб чиқди. Шу меҳнатларининг самараси сифатида «Огаҳий асарларининг тавсифи» китоби юзага келди.

Қўлёзмалар институти хазинасидаги қадимий қўлёзма китобларни тавсифлаш ва уларнинг каталогини тузиш ишлари ҳам Фатҳулла Ғанихўжаев номи билан боғлиқ. У ўзи раҳбарлик қилган Шарқ қўлёзмаларини илмий тавсифлаш ва каталогини тузиш бўлими ходимлари билан бирга, «Қўлёзмалар институти фонди каталоги»нинг I ва II жилдларини тайёрлаб, нашрдан чиқарди. Каталог тузиш ишининг қанчалар машаққатли ва мураккаб эканлигини шу соҳа мутахассислари яхши билалилар. Каталогнинг III ва IV жилдлари ҳам Ф. Ғанихўжаев раҳбарлиги остида нашрга тайёрланди.

Огаҳий асарлари қўлёзмалари бўйича тадқиқотларини давом эттирган олим шоир назмий мероси мажмуи бўлмиш «Таъвиз ул-ошиқин»(«Ошиқлар тумори»)нинг эътиборли нусхаларини қиёсий ўрганиш асосида девоннинг илмий-танқидий матни устида иш олиб борди. Натижада «Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девони ва унинг илмий-танқидий матни» мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Етмишинчи баҳорини қаршилаётган олим бугун ҳам Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида ишламоқда. Фатҳулла акадаги ғайрат, тетиклик оила аъзоларига қувонч ва хотиржамлик, биз—ҳамкасб дўстлари, шогирдларига маънавий куч бағишлайди.

**Юсуф ТУРСУНОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# КАЙФИЯТ

## ҲАЖВИЯ

Ёзувчининг икки кўзи муҳаррирда. У эса жиддий, гўё ҳозир маҳбус устидан ҳукм ўқийдиган судядай, қовоқларини уйиб ҳикоя ўқирди.

— Лекин, ёмон эмас, чёрт! — тантанали эълон қилди муҳаррир. — Сюжет яхши. Аммо... — бир зум сукут сақлади у. Ёзувчи нақ унинг оғзига кириб кетгудай бўлди. — Нимадир етишмаяпти... Шу, биласизми? — Унинг кўзлари қисилди. Ўзича ниманидир чамалаган бўлди. — Имм... ҳолат керак... манзара! — Бир нимани кашф қилгандай портлади у. Кейин қулочини ёзиб, манзарани тасвирлаган бўлди. — Масалан, қаранг, ҳозир баҳор-а! Дарахтлар гуллаган, бир қарасангиз қуёш чарақлаб чиқади, бир қарасангиз гумбир-гумбир ёмғир қуйиб беради. Сиз эса севишганлар ҳақида ёзяпсиз. Севги бу... Биласизми! — муҳаррир энди ғазал ўқиётгандай тўлқинланиб гапирди. — Юракнинг момақалдироғи! Гулдир-гулдир, гумбир-гумбир... — у янада қизишиб кетди. Жала бўлиб тарновлардан оқиб тушдими-ей, кейин ўрнидан туриб, бир-бирига яқин жойлашган кўзларини олайтириб:

— Тушундингиз-а! — деди. — Кайфият керак. Асосийси — манави ерда, — қоғозга шарақлатиб урди у.

Ёзувчи гарчи ҳеч балога тушунмаган бўлса-да, бош силкиди. Яна муҳаррир тутақиб кетса, ора бузилмасин деди-да!

У автобусда ҳам муҳаррирнинг айтганларини ўйлаб кетди. Баҳор манзарасини қаерга тиқса экан?! Энди бу муҳаррир баҳорсиз ҳикоясини бостирмайди. Айтдими — қонун! Э, ҳа! Уйига етай деб қолганида, деярли дарвозани очаётганида, миясига бир фикр урилди. Ҳикояда йигит йиғлаб муҳаббат изҳор қиладиган жойи бор-ку, шу ерга жалани қўшса, уҳ, даҳшат кетади!

Ёзувчи эшик очиб, уйга кириши билан хотини уни:

— Уйда нон йўқ! — дея кутиб олди.

Ёзувчи табиийки, буни эшитмади. Ечинмаёқ ёзув столига ёпишди. Ҳикояда йигит қизга аввалги маҳбубаси ўлганини айтади. Шу пайтда осмон қарсиллайди-ю, жала қуйиб юборади... уҳ! Адиб иштаҳа билан қўлини қўлига ишқаб қўйди-да, ёзишга киришди: "Осмонни қора булут қоплаганди. Қаердандир олис-олисдан бўғиқ гумбирлаш эшитилар, трамвайнинг симидан олов чиққандай, атроф бирдан ёришиб кетарди. Булутли осмон эса..."

Шу пайт ҳикоядаги ёмғир ёғиб ҳам улгурмай, хонага булутдай бўлиб хотини кирди. Важоҳати об-ҳаводан баттар:

— Нон йўқ! — деди у чертиб-чертиб. — Грамм ёғ қолмаган! Бу кишимнинг ўтиришини қаранг. Овқат қиламан десам на ун бор, на гуруч! Туреенг, дўконга чиқиб келинг! Фойда бўлсайкан бундан! Пул берса ҳам майли эди! — даҳлиздан вайсади хотини.

Ёзувчи кайфиятини асраб қолиш учун индамади. Сумка, пул олиб зипиллаб дўконга чиқиб келди-да, ҳужрасига шўнғиди. Қаерга келган эди. Э, ҳа, ёмғир!

"... булутли осмон эса нақ тўкилай деб турарди. Шу пайт биров шундоқ тепасида катта харсангни қарс этиб иккига бўлгандай овоз келди-ю, олов хивчин осмон бағрини тилиб ўтди. Ўша заҳотиёқ осмон ҳўнграб юборди..." Манзара даҳшат чиқдими? У ўз-ўзини "чинакам талант" деб мақтаб қўйди ичида. Энди йигит билан қизнинг диалогини ёзмоқчи бўлиб турганди, яна ошдан чиққан тошдай бўлиб хотини келди.

— Манави кишини ўтиришини қаранг! Ҳа-а?!

— Нима, ҳа? Обкелдим, ана!

— Нимани обкелдингиз? Обкелган нарсангизни бир кўрдингизми ўзи? Нима бу?

— Нима бўларди, момақалдироқ!

— А?!

— Йўғ-э, ун!

— Тўғри, ун! — бошини таҳдидли ликиллатди хотини.

— Гуруч уни денг, сечка! Шундан овқат қилиб бўладими? Қани, шу гуручдан ўзингиз бир овқат қилинг-чи, мен кўрай... Туринг, туринг! Тура қолинг!

Эр индамай ошхонага ўтди. Кайфиятни сақлаш керакми, ахир. Бошқа пайт бўлганида бўралатарди-ю... сабзини бир пасда тўғраб ташлади. Апил-тапил гўшт-пиёзни қовуриб, сабзини босди. Чаққонлик билан қозонга сув солиб, сечкани ивитди-да, пилдираб уйга кириб кетди. Ёзишда давом этди: "Ёмғир қизнинг юзларини ювиб тушарди. Юзидан у йиғлаяптими-йўқми, билиб бўлмасди.

— Мени ташлаб кетма, Мадина? — ўтинди йигит. — Тушун, ахир, у ўлган, у энди йўқ. Сенинг муҳаббатинг мени ҳаётга қайтарди. Азизам, дилбарим...

Ёмғир шариллаб қуяр, унинг зарбидан гиёҳларнинг боши эгилар, гўё шу ўт-ўланлар ҳам Мадинага "қол, қол!" деяётгандек туюларди. Қиз кўзларини жовдиратди. Нима дейишини билмай каловланиб қолди. Самандарнинг илтижоли кўзлари юрагини ўртаб юборди..." Эшикда эса қўлини белига тираганча жанговар кайфиятда хотини пайдо бўлди.

— Овқат тагига об кетибди-ю! Қарамайсизми? Ҳеч бўлмаса, бир оғиз айтмайсизми, сабзи-пиёзни босдим, деб!

У ошхонага чопди. Ҳартугул, овқат тагига олмабди. Эссиз-е, суви буғланиб кетибди-да! Ёзувчи шоша-пиша гуручини солди, ошни дамлаб, яна ўзини уйга урди. "Асосийси кайфиятни бузмаслик!" — ўз-ўзига далда берди у. Аммо ёзганларини ўқиб энсаси қотди. Ҳаётий чиқмабди-да! Йигитни қаранг, йигитми — латтами? Намунча ялинади. Кетса кетавермайдими! Хотинларнинг ҳаммаси бир гўр! У беҳафсала ёзишга тутинди: "Самандар қизга илк бор синчков назар ташлади, — деб ёзди у хотинидан ўч олаётгандай. — Унинг гўзал чеҳрасини доим нимадир бузиб турганга ўхшарди. Энди топди: бурни қанқайган экан! Ўзи ҳам қорачадан келган. Баҳор бўлиб, баттар мўндиси чиқиб кетибди. Авваллари зулукдай қошларини кўрса, этлари жимирлаб кетарди. Энди эса қизнинг қошларини чувалчангга қиёслади. Бирам мижғов қиз эканки... икки йилдан бери ўлган Сайёрани гапиради. Ўлган деса ҳам тушунмайди.

Қиз кафтлари билан юзини тўсди. Ёмғир эса беаёв саваларди. Гўё ўчакишгандай, юракдаги сўнгги чўғни ўчирмоққа чиндан-да аҳд қилгандай, шаррос қуярди.

— Янами?! — жеркиди Самандар. — Яна йиғими?

— Сизни қанчалар севмай, лекин Сайёра...

— Нима, Сайёра?...

Шу пайт эшик тарақлаб очилиб кетди-ю, остонада хотини пайдо бўлди. Қор маликасидай совуқ.

— Нима, очлик эълон қилганмисиз? Бир марта овқат қилганингизга аразми? Ҳа, ўлмаган менинг жоним. Бошқаларнинг хотинига ўхшаб берсанг еяман, бермасанг ўламан, деб ўтирганим йўқ-ку! Раҳмат денг менга! Уйда хотин, кўчада эркакман, — хотини йиғлагудай бўлди. — Ҳеч бўлмаса дастурхонда бирга ўтиринг болаларингиз билан. Ё буларни кўчадан эргаштириб келганманми?!

Ёзувчи индамади. Бўйнини қисиб тамаддихонага ўтди. Кайфиятни асраш керак-ку! Болалари овқат ейишни аллақачон бошлаб юборишганди. "Бисмиллоҳ"ни айтиб, яримлаб қолган лаганга қўл узатди. Аммо шу ҳам хотинига ёқмади-да! Тавба-ей!

— Нима, мум тишлаганмисиз? — кесатди аёли чувалчанг қошларини чимириб. — Нега гапирмайсиз?

— Нима дей, ахир?! — бақириб юборди у. — Овқатимни ҳам тинч еёлмайманми?!

— Шунчалик биздан бегоналашиб кетгансиз. Гапиргани сўз тополмайсиз. Сизга нима ёмонлик қилувдим?! Бошқасини топган бўлсангиз айтинг, қийнаманг... — хотини шундай деб йиғлаганча чиқиб кетди. Ёзувчи анграйиб қолди. Бир бало бўлганми, бўнга?! Қачон қарама буники асар топшириладиган пайтда қўзийди. Ҳамма дийдиёсини бугунга тиққан! Ҳикояни эса эртага топшириш керак.

Ёзувчи қошиқни отиб ўрнидан турди.

— Овқатмас, заҳар бўлди! Падарингга... йўқ ердан айб қидиради, — у вайсай-вайсай хонасига кетди. Ичкарида хотини ингичка овозда бир нарсалар деб, изиллаб чунон йиғларди. Бундан асаб таранг, дили хун бўлса-да, ёзишга киришди. Энди у ҳикоя ёзмаётганди, албатта. Гўёки хаёлида хотинидан ўч олмоққа киришганди.

"Мадинанинг ингичка лаблари титради. Ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган сочлари пешонасига ёпишиб қолган, совуқданми, аламданми, кўкариб-гезариб кетганди.

— Сиз барибир уни севасиз... умрбод. Мен эса ... мен шунчаки бир эрмак...

— Яна эски хархашани бошладингизми? — чидаёлмай деди Самандар. — У десам — бу дейсиз, бу десам — у дейсиз. Яна нима деб овутай, яна нима деб оқлай ўзимни?! Оғзингиздан чиққанини ҳам, чиқмаганини ҳам миқ этмай муҳайё қилсам. Нима қилай яна?

Мадинанинг қошлари илондай биланглади:

— Ҳо, шунақами ҳали? Қадим замонда ошиқлар маҳбубасининг битта холига иккита шаҳарни бериб юборишган экан. Сиз нима қилиб қўйибсиз?

— Қайси каллаварам битта холга иккита шаҳар беради? Ҳозирдан шаҳар талаб қилсангиз, эртага нима бўлади? Тинч океани керак эмасми, мабодо?!

— Вой, савил. Ҳали олиб бермасдан дағдағани қаранг. Автобусга чиқсак, йўл чиптангиз борми, деб турасиз-ку, Тинч океани эмиш. Ғирт масхарабоз экансиз-ку!

— Ҳаммасининг уруғи бир, — минғирлади Самандар қандай алам олишни билмай, — чап қовурғадан бўлган!

Мадинанинг кўзлари олайиб кетди. Шу дам чинданам занжирли портлаш юз берди:

— Ўзинг кимсан-а, ўзинг кимсан? Хотинбоз! Каззёл... Эшшак, — деди қиз. Самандар чидай олмади. Қизнинг юзига шапалоқ тортиб юборди..."

Шу пайт шапалоққа ҳамоҳанг эшик шарақлаб очилди-ю, остонада кўзлари қизарган хотини пайдо бўлди.

— Ҳмм! — қўлини белига тираганча таҳдидли им қоқди у. — Ўрнингизни бошқа қилиб ётмоқчимисиз? Бекорларни айтибсиз! Қани олдимга тушинг-чи! Менинг бировларга бериб қўядиган эрим йўқ!

Шу дам қулоқ-чаккасининг тагида бир нарса қарс этиб кетди...

**Мавлуда ИБРОҲИМОВА**

## ҒАЛВИР

# ПАРОДИЯЛАР

*Тўра СУЛАЙМОНга*

**"Теранликка ишора,**
**Уммонга ошиқлигим.**
**Гўзалликка ишора,**
**Бўстонга ошиқлигим."**
**"Илтижо"** шеъридан.

Гўзалликка ишора,
Суманга ошиқлигим.
Булутларга ишора,
Туманга ошиқлигим.
Теранликка ишора,
Уммонга ошиқлигим.
Ҳадиксираб юришим,
Гумонга ошиқлигим.
Темирчига ишора,
Босқонга ошиқлигим.
Мантипазга ишора,
Қасқонга ошиқлигим.
Термаларга ишора,
Достонга ошиқлигим.
Халқ йўлида шеър ёзиш,
Ялама қошиқлигим.

* * *

*Азим СУЮНга*

**"Сочимни гўё тарадим,**
**У ён, бу ёнга қарадим.**
**Ҳовлисига мўраладим,**
**Қайлиққа бордим бу кеча.**

**Отасими довуш берди,**
**Акасими, у ёш эди,**
**Кўп шумтака, бебош эди,**
**Қайлиққа бордим бу кеча"**
**"Қайлиқ"** шеъридан.

Кеча оппоқ эди сутдай,
Юлдуз ёнар пишган тутдай,
Ичиб олган эдим қиттай
Мен қайлиққа борган кеча.

Тўлин ойга қараб бордим,
Сийқа сочни тараб бордим,
Ҳар қадамни санаб бордим —
Хотирамдан чиқмас ҳеч-а...

Итинг ғингшиб қўйди бироз,
Ишни бузди даканг хўроз.
Қайлиққинам, эшит, бу рост
Жуфтак урдим, ортга қочдим.

Асли ўзим, саёқ эдим,
Қашқа бўлдим, таёқ едим.
Бу, менимча, аканг дедим,
Ҳасратимни елга сочдим.

Итга ҳайкал қўйдираман,
Хўрозни-чи сўйдираман.
Ўша ўжар акангни мен
Шўрвасига тўйдираман.

Шундай гаплар қайлиққинам,
Балиққинам...

*Юсуф РАСУЛга*

**"Мана, шоир бўлолмадик...**
**Йиллар ҳам ўтди**
**Чўкиб қолди қалбимизга не-не дунёлар**
**Биз излаган ул маъволар бирма-бир йитди,**
**Фақат қолди афсус, ўкинч номсиз рўёлар**
**Шоир бўлолмадик".**
**"Шоир бўлолмадик"** шеъридан.

Юсуф Расул, сенга раҳмат,
Шоир бўлмай қолганингга.
Маъволардан воз кечиб,
Тўғрисин — тан олганингга.
Шоирликни эплолмаган
Танқидчига айланади.
Адибларга йўл-йўриғи
Тақризига жойланади.
Ижодингни таҳлил қилиб,
Фақат ақл улашади.
Қаҳрамонинг ўлган бўлса,
— Тирилтир, — деб курашади.
"Қозончининг эрки бор-да",
Панд-ўгитга мойил бўлар,
Олтмиш ёшдан ошгандан сўнг,
Бир юмалаб шоир бўлар.
Шундай, баъзи акаларим,
"Баланд дорга осилмоқда",
Ҳиссиётдан олис машқи,
Матбуотда босилмоқда.
Шеъриятни бўтқа қилиб,
Элнинг бошин қотирмоқда...

* * *

*Турсун АЛИ (ЎРМОНОВ)га*

**"Оқшом рутубатли...**
**Ёлғиз аёл**
**Бери кел,**
**Ахир мен шоирман**
**Куч топаман**
**Сенга ёрдам бермоққа"**
**"Сокин ҳайқириқ"** шеъридан.

Балки Кувадандир,
Балки қайқилик.
Ўша юпун аёлдан
Чиқди сокин ҳайқириқ:
— Ёрдамингга муҳтож эмасман,
Шоирликни даъво қилган
Думбул йигит,
Ўз наздида
"Булбул" йигит.
Қолди кеч кириб,
Рутубатли оқшомда яна,
Талонингни қўйма тештириб.
Кузги довулларнинг ташвишин чекма,
Хайр, яхши қол!
Пойинтар-сойинтар машқингни, укам,
Рустам Мусурмонга бир кўрсатиб ол...

**Турсунбой АДАШБОЕВ**

Абдураҳмон АКБАР

ЎЗИМ ЎҚИЙМАН

# БАҲОР СЕВИНЧЛАРИ

### ҚАМАЛАК

**Етти қалам, етти ранг,**
**Етти оҳанг камалак.**
**Қаерларда юрибсан,**
**Қуёш — сочи жамалак?**
**Қаламларинг топилди,**
**Булут — қоғоз ҳам тайёр,**
**Санъатингдан баҳраманд**
**Бўлайлик бизлар бир бор.**
**Қаламдонни қўя тур,**
**Кел, қуёшжон, тезроқ кел.**
**Расм чизиб бер бизга**
**Ўчирғичинг бўлар ел.**

**...Миллион йилки аҳвол шу,**
**Ерликлар кутиб толар.**
**Қаламлар бор пайтда**
**Қуёш "йўқолиб қолар"!**

### АСАЛГУЛ

**Гулни кўриб гулғунча**
**Қоматини эгди сал.**
**Ҳидлай-ҳидлай деди сўнг:**
**— Бунча бўлмасанг гўзал!**
**Болари келиб қўнди**
**Ўша гулга бир маҳал.**
**Гулни ўпиб деди у:**
**— Бунча бўлмасанг асал!**

### КЎКЛАМ ҲАЗИЛИ

**Ниначини тутқазиб**
**Зебохоннинг қўлига,**
**Бундан сира қўрқма, деб**
**Далда бердик йўлига.**
**Жажжи Зебо бир нафас**
**Қалтираб, титраб-толди.**
**Ниначини қўйвориб,**
**Бизга би-и-р қараб олди.**
**Сир бой бермай деди сўнг:**
**— Ниначидан қўрқмайман.**
**Олиб келсин қизини,**
**Қизи билан ўйнайман!**

### ЁМҒИР

**Тунлари куладиган**
**Гуллар экан юлдузлар.**
**Кўзга кўринмас экан**
**Шу боисдан кундузлар.**
**Офтоб билан Ой бўлса,**
**Ота-ю она экан.**
**Болаларин бошида**
**Доим парвона экан.**
**Болалари ким, дерсиз,**
**Кун ва Ойни, сизлар ҳам?**
**Менга ишонаверинг,**
**Улар — Булутлар десам.**
**Булутлар ҳам бизлардек**
**Ўйнар, ухлар, туш кўрар.**
**Денгизу уммонларда**
**Чўмилмоқни хуш кўрар.**
**Бас, сувдан чиқинг, дея**
**Коймаса ҳам ҳеч ким,**
**Ювар юз-қўлларини**
**Улар гоҳ чала-ярим.**
**Бундан ранжиб Офтобжон**
**Эгнига пешбанд тутар.**
**Фарзандларин бир жойга**
**Тўпланишларин кутар.**
**Булутвойлар ғулдираб,**
**Йўталишса ҳам "қув-қув",**
**Уларнинг устларидан**
**Қуёш қуяр тинмай сув.**
**Кўнгли тўлса-ку хўп-хўп,**
**Йўқса, қуяр тунда Ой.**
**Натижада теварак**
**Бўлиб қолар ҳўл ва лой...**
**Уйдан чиқмай бу кезлар**
**Деразадан бўйлаймиз.**
**Энг қизиғи, бу сувни**
**Биз ёмғир деб ўйлаймиз!..**

*Машҳур китоблар тарихидан*

# БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН МЮНХАУЗЕН

XVIII аср — олмон халқи маданиятининг энг шон-шавкатли бир даври ҳисобланади. Худди шу асрда Олмония дунёга адабиёт, санъат ва илмий тафаккурнинг бир талай буюк намояндаларини берди. Ҳёте, Шиллер, Ҳелдерлин, Гофман, Ҳегел, Шеллингдек даҳо адиблар, шоирлар, файласуфлар — мана шу асрда туғилиб, ижод ва илм чўққиларига кўтарилдилар.

Худди шу даврда олмон адабиётида яна бир ёзувчи яшаб, ижод этди. У — Рудолф Эрих Распе. Ҳа, адашмадингиз! Бу ёзувчи машҳур "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари" китобининг муаллифи. Гарчи Распе биз юқорида санаган буюк адабий ва илмий намояндаларнинг бир қадар соясида қолиб турса-да ва XVIII аср олмон адабиёти тўғрисида сўз очилганида Распе эсланиб-эсланмаса-да, барибир, у ҳам юқорида зикр этилган китоби билан ўз номини абадиятга қолдириб, XVIII аср олмон маданиятининг шон-шуҳратига муносиб ва бетакрор улушини қўшишга муяссар бўлган адибдир. Ҳа, XVIII аср олмон адабиёти "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари"дек барҳаёт қувноқ асар билан ҳам фахрланса арзийди! Бу асар дунёга келишини ана шу давр олмон адабиётининг энг юлдузли онларидан бири, деб бемалол айтишимиз мумкин.



Бежизга Распени "бир китоб муаллифи", дейишмайди. Бу фикрга қўшилмаслик ҳам, қўшилиш ҳам мумкин. Ушбу фикрнинг баҳслилиги шундаки, Распе — тарихий маълумотларга қараганда, анча сермаҳсул ёзувчи бўлган. У кўпгина насрий, шеърий, драматик асарлар ёзган. Санъат ва бошқа мавзуларда илмий мақолалар битган. Лекин ҳеч бири вақт синовига бардош беролмаган. Энди юқоридаги фикрга шу маънода қўшилиш мумкинки, Распе чиндан ҳам, фақат ва фақат "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари" қиссаси билан дунёга машҳур. Худди шу китоби билан у XVIII асрдан, мана, бизнинг XXI асрга ҳам дадил қадамлар билан етиб келди. Бу китоб дунё болаларининг энг мароқли, энг севимли китобларидан бири сифатида жўшқин бир ҳаёт билан яшаб келаяпти.

Распе тўғрисида яна бир-икки оғиз маълумот. У 1737 йилда Ганновер шаҳрида туғилган. Геттинген, Лейпциг университетларида таълим олган. У санъат, гўзаллик, антик давр ва қадимшуносликка ғоятда қизиққан. Геология — унинг энг севимли фанларидан бири бўлган. Магистрлик дипломини олгач, 1760 йилда Англия Қироллик кутубхонасига ишга келади. Бу ерда етти йил ишлаб, олимлар ва адиблар орасида танилади. Дастлабки асарларини ёзади. 1766 йилда Распе Кассел ландграфлигидаги Буюк Карл коллежида профессор унвонига эришади ва коллежнинг бой кутубхонаси хазиначисига айланади.

Бироқ унинг ёмон бир иллати бор эди. Распе ҳуда-беҳудага бошқалардан пул қарз олаверар, аммо уларни қайтаришга қурби етмас эди. Оқибатда, у қочоқликка юз тутди. 1775 йилда қамоққа олинди. Қамоқдан чиққач, яна геология ва тоғ кончилик ишлари билан шуғулланади. Қашшоқлашган Распе бу соҳаларни бойлик орттириш манбаи, деб билди. Лекин тадбиркор одам бўлмаганлиги оқибатида Распенинг косаси зинҳор оқармади.

Распе Англиянинг тоғ ва водийларини обдон кезиб, кўнгли хушлаган хазиналар конини топа олмади. Топгани эса фақат торф кони бўлди. У Ирландиянинг ғарбий ҳудудларида геологик қидирув ишларини олиб борди. Бу ерда у тепкили терлама касалига йўлиқиб, 1794 йилда, эллик саккиз ёшида вафот этди. Қабри Ирландия ботқоқлари оғушида қолиб кетди.

Ҳа, Распенинг шахсий қисмати ҳавас қилгулик бўлмади. Лекин унинг адабий тақдирига ўзини болалар адабиёти ривожига бағишлаган дунёдаги барча адиблар ҳавас қилсалар арзийди.

Дарвоқе, унинг номини адабий шоншуҳратга чулғаган "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари" китоби қандай яратилди? Мюнхаузен ким? У адабий тўқима тимсолими ёки ҳаётда бор, яшаб ўтган одамми?

Одамзотнинг неча авлоди Мюнхаузенни, бу туғма ёлғончи баронни тўқима адабий тимсол, деб ўйлайди. Шу қадар устамон ёлғончики, Мюнхаузен ўзининг тўқиган саргузаштларига бошқа одамларни ёқа ушлатиб қолдирмай, ўзи ҳам, охир оқибатда, уларга чиппа-чин, деб ишонади.

Аслида барон Мюнхаузен тарихий шахс. Ўзи ҳақида яратилган, ижтимоий ҳаётда уни ёлғончи, бебурд шахс сифатида роса шарманда қилган, шу боисдан ғазаб ва нафратдан ўзини қўярга жой топа олмай китоб муаллифини судга бермоқчи бўлган барон Мюнхаузен Олмониянинг Боденвердер деган тоғлар этагидаги, ўрмонзорлар оғушидаги шаҳарчада яшаган. Бу шаҳарда унинг катта мулки — сув-ери, ўрмони бўлган. Ўрмонда у ов билан шуғулланган. Овдан бўшаган пайтларида, 1763 йилда тоғ ён бағрида катта ихлос билан бунёд этган йирик меҳмонхонаси бўлмасида, нимкатга чўкиб, чекиб, ора-орада пунш қадаҳини бўшатиб, ҳамиша ўзини йўқлаб келиб турадиган қадрдон меҳмонлари даврасининг гулига айланганча, бошидан ўтганларига, жумладан, ов саргузаштларига анча-мунча ёлғон-яшиқларни қўшиб-чатиб, ҳаммани оғзига қаратиб ҳикоя қилиб ўтирган. У оғзаки ҳикоянинг, бадиҳагўйликнинг тенги йўқ устаси бўлган.

Ана шундай гурунглардан бирида 36 ёшли, Гессен-Кассел ландграфлигидаги Фридрих Иккинчи саройи кутубхонаси бошлиғининг ўринбосари, Буюк Карл коллежининг мозий маданияти бўйича профессори, ёзувчи, шоир Рудолф Эрих Распе ҳам иштирок этган. У бароннинг қароргоҳида бир неча кун қолиб кетади. Ҳикояларини мириқиб тинглайди. Кейин ўзи ҳам барон Мюнхаузеннинг услубида бир қатор янги саргузаштларни тўқиб, барондан эшитганларига янада ўткир ҳажвий сайқал бериб, 1875 йилнинг кузида Лондонда, китоб ноширИ М.Смит ёрдамида "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари" номли китобчасини инглиз тилида нашр эттиради. Китоб бир кундаёқ сотилиб кетади. Қизиғи шундаки, китоб муқовасида муаллифининг исми-шарифи кўрсатилмаган эди. Орадан бироз муддат ўтиб, китобнинг иккинчи, тўлдирилган нашри пайдо бўлади. Унда ҳам муаллиф номаълумлигича қолган. Бироқ ўзини сир тутган муаллиф китобига ёзган "Муқаддима"сида ушбу асарнинг яратилишига сабабчи бўлган Олмониянинг илк дворянлари сулоласига мансуб, ажабтовур ўзига хос тафаккур соҳиби, ҳақиқий барон Мюнхаузендан беҳад миннатдор эканлигини изҳор этган.



Китоб 1786 йилда, ўзини дунёга келтирган замин — Олмонияда демократ-шоир Г.А.Бюргер таржимасида чоп этилади. Бюргер китобга яна ўзи тўқиган бир неча ҳикояларни қўшган. Аммо на Бюргер, на Распе китобнинг олмонча нашрида ўз исм-шарифларини кўрсатмаганлар. Шу боис ҳақиқий барон Мюнхаузен китоб муаллифини излаб, судга бера олмай, ҳоли танг бўлган. Шундай қилиб, Иероним фон Мюнхаузен ўз шармандаи шармисорчилигининг ҳақиқий айбдори ким эканлигини била олмай оламдан ўтди.

Аслида барон Мюнхаузен абадий ишонч шуҳратига эришган бир инсонга айланди. Ўз иноихтиёридан ташқари, у нодир адабиёт саҳифаларига тушди, ўлмас адабий қаҳрамон — ёлғончи ва мақтанчоқ Мюнхаузеннинг ҳаётдаги адаши бўлиб қолди.

Мюнхаузеннинг куракда турмайдиган ёлғончиликларини болалар ҳам, катталар ҳам қотиб-қотиб кулиб ўқийдилар. Унинг саргузаштлари асосида яратилган мултфилмларни мириқиб томоша қилишади. Мюнхаузен — ўзбекистонлик болаларнинг ҳам севикли бобосидир. "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари" ўзбек тилига ўгирилиб, бир неча бор чоп этилган. Шу кунларда бу асар болаларимизнинг севикли журнали — "Гулхан"да қайтадан пешма-пеш эълон қилинаяпти. Қарангки, бу журнал обунаси 2003 йилда 100 мингга яқинлашибди! Бунинг сабабини шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

**Михли САФАРОВ**

## Дунё — кенг...

### САКСОН ОЛТИ ЙИЛ МИЖЖА ҚОҚМАЙ

**Одам бир кун уйқудан қолса ўзини қандай ҳис этиши барчага аён. Бироқ бир кун ҳам гапми, нақд саксон олти йил ухламасликни тасаввурга сиғдириб бўлармикан?!**

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳомийлигида иш олиб боришадиган тадқиқотчилар Тибетда саксон олти йилдан бери мижжа қоқмай келаётган кекса будда монахини топишди. Даве исмли бу руҳоний уйқусизлик ҳаётини бошлаганида ўн бир ёшда экан.

"Тасаввур қиласизми, — дейди тибетлик уйғоқ руҳоний сир-асрорини ўрганиш билан шуғулланаётган олмониялик олим Бернард Холцман, — у икки жаҳон урушини уйқусиз ўтказган, Корея ва Ветнамдаги жанглар даврида, Россия космосга 1957 йил сунъий йўлдош учирган пайтларда, ҳатто Ойга одам оёғи етган дамларда ҳам мижжа қоқмаган... Ўтган асрнинг қанчадан-қанча йирик воқеаларини санаб бериш мумкин, бироқ шунча воқеалар содир бўлган улкан даврни бу мўъжизакор қария уйқусиз ўтказди.

Бир неча замонавий тест синовларини ўтказган экспертлар шундай тўхтамга келишди: Давенинг организми, ҳар қандай одам учун зарур бўлган, уйқу режимига ўтади, бироқ айни пайтда унинг мияси ва танаси уйғоқ бўлади, руҳоний бу пайтда бемалол онгли тарзда суҳбатлашиш лаёқатини йўқотмайди.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, агар улар Давенинг сир-синоатларини очишга муваффақ бўлишса, уйқусиз ҳаёт кечириш бутун сайёрамизда оддий ҳолга айланиши мумкин.

### "АБАДИЙ ҲАЁТ" ИЛИНЖИДА

**Ўлимни доғда қолдириб, "абадий ҳаёт"га эришиш орзуси барча замонларда кишиларни ўйлантириб келган. Бу борада имкониятга таклиф этилган "абадият малҳамлари" аждодларимиз фантазияси нақадар бой бўлганидан далолат беради.**

Қадимги замон табибларининг тасаввурича, уч юз йил умр кўриш учун: олти юзта ўргимчакни, уч юзта кўршапалакни ва тўқсон тўққизта бақани қоқ қилиб қуритиб, кейин келида туюб, ой тўлишган пайтларда шу кукунни истеъмол этиш керак. Бу ўринда энг муҳими шуки, "малҳам"ни тайёрлашда ишлатиладиган бақалар юз йиллик бўлиши шарт...

Хуллас, аждодларимиз жуда узоқ яшаш илинжида бу каби кўплаб ва турли-туман дори-дармонларни "кашф" этишган. Бироқ қизиғи шундаки, қариликни енгиш, боз устига, қайта яшариш, узоқ умр кўриш орзуси ҳануз бизни тарк этгани йўқ. Шу кунларда ҳам бу борада изланишлар изчил давом этаётир.

Россиялик олимларнинг таклифича, организмни яшартириш учун ҳужайраларни янгилаш лозим ва бу йўл организмни сунъий синтезлаштирилган ҳужайра-макрофоглар билан "бомбардимон" қилиш орқали амалга оширилади. Яна бир янгилик: олимлар организмдаги бириктирувчи тўқималарнинг ўлмайдиган ҳужайраларини ажратишга муваффақ бўлишган. Бу чиндан илмий исботини топса, яқин келажакда инсон умрини камида икки-уч бараварга узайтириш имкони пайдо бўлади.

Яқинда машҳур нейрохирург профессор Герхард фон Клике кўпчиликни ҳаяжонга соладиган хулосаларни эълон қилди. Унинг айтишича, бугунги кунда фанда эришилган ютуқлар яқин келажакда одамлар 150-160 йил бемалол умр кечиришларига тўла имконият яратаркан. Уларнинг кейинги авлодлари эса бундан бир ярим-икки баравар ортиқ яшайдилар, дейди олим. Британия Келажак фонди президенти, профессор биолог Энтони Грейхемнинг уқтиришича, "атиги 30 — 35 йилдан сўнг пенсия ёши 60 ёшдан 80 — 90 ёшгача сурилади ва шу ёшдан кейин ҳам одам яна 60 йил фаол умр кечиради".

Сир эмас, инсоният тараққиётининг кўрсатишича, бир муаммони ҳал этиш бошқа бир неча муаммоларнинг келиб чиқишига омил бўлади. Шу нуқтаи назардан қаралса, узоқ умр кечириш ёки "абадий ҳаёт" инсонларга шунчалик зарурмикан, деган иштибоҳ ҳам туғилади.

### ОМАДИ КУЛГАН ИШСИЗ

**Ҳамма жойда ҳам ишсизлик муаммоси бор, бундан холи бирор-бир мамлакатни кўрсатиб бўлмайди. Бироқ дунёда омад деган нарса ҳам борки, унинг қувончи ҳар қандай ташвишни, қисқа муддатга бўлса-да, хаёлдан кўтаради.**

Олмониянинг Аммерсдорф шаҳри фуқароси Удо Бромберг ишидан ажралгач, хотини Кетрин кундалик харидларни кескин камайтирди — қатъий иқтисодга ўтди. У бир ойда икки марта гўштли овқат қилиш билан чекланиб, қолган кунлар арзон нархдаги балиқ ишлатадиган бўлди.

Бир куни у арзимас пулга салака деган майда балиқдан харид қилди ва кечки овқатга солиш учун балиқларни кесиб тозалашга киришди. Балиқлардан бирининг ичини тозалаётганда Кетриннинг қўлини ўткир бир нарса тилиб кетди. Кетрин синчиклаб қараганда, балиқнинг ичида катта қорақизил кўзли олтин узукни кўрди. Топилдиқни заргар 700 еврога баҳолаб, дарров сотиб олди. Энди Кетрин фақат салака балиғини ва фақат ўша балиқфурушдан харид қилишга одатланди, деб ёзади "Зюддойче цайтунг" газетаси.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ
Саҳифаловчи — Комрон АҲМЕДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 327. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—5623